

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Касб таълими факультети 5140901 - Касб таълими (иқтисодиёт)
бакалавр таълим йўналиши талабаси
Самандаров Мирзоҳиднинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Деҳқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари»
мавзусини интерактив методлари асосида ўқитиш услубиётини
ишлаб чиқиши

Раҳбар:

С.Н.Ҳамраева

Маслаҳатчи:

З.Т.Рахимов

Иш бажарувчи:

М.М.Самандаров

«Ҳимояга рухсат этилди»
«КТ ва П» кафедраси
мудири
доц. З.Л.Ботиров
«20 » июн 2013 й.

«Ҳимоя учун ДАК га юборилди»
«Касб таълими» факультети
декани
доц. Қ.С.Жуманазаров
«21 » июн 2013 й.

ҚАРШИ-2013 й.

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТІСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Касб тағылым
Касб тағылым (иқтисодиёт)

факультети
тағым йұналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«РТБ ға Г» каф.мудири
док. З.Л. Батыров
(имзо, ф.и.ш.)

«28» 11. 2012 ы

Битируд малақавий иши учун

ТОПШИРИК

- Талаба Салтанадаров Аманжолид га
1. Малақавий иш мавзуси „Дегенгешінде мекеме жүсуғерлөгін, омирим үйнелері“ мәдениетке интеграциялық меморандум ассоциацияның үйнелес мәдениетке ишшеб тиқинч
- институттинг № 543/7 буйруғи билан 28. 11. 2012 да тасдиқланған.
2. Малақавий ишни топшириш муддати
3. Малақавий иш учун мағлумот Кашшадарे Әнісін Статистик шамегаласы, Қарын тұлғасы Сайфөв Абдулазар Сайфөвін берген хұттыры мәдениеттері
4. Ҳисоби изоҳ қисмінінг мазмұні (ишшеб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати) Кириш, Фан ва ошбу китап тағылышы, Үйнелес меморандумның үзүлешілес мәссағаттары, Аттысай - үйнелес мәссағаттар меморандумы, Назария барс үйнелес меморандум, Алесяндр масимуков үйнелес меморандумы, Жүлес Арабиёттар рўйхати
5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графикалар)
1. Технологиялар түрлери
2. Ахомиджан аш болаш базалық вертикали омирим ійнелешесары
3. Назария барс үйнелес тағылым технологиясы маддеси во харидас
4. Алесяндр масимуков тағылым технологиясы маддеси во харидас
6. Малақавий иш бўйича маслаҳатчилар Укимин меморандумы
Кириш, Фан ва ошбу китап тағылышы. Риней З. Рахимов

7. Малакавий ишини бажарилиши бўйича календар график

Хафталар сони	Малакавий иш бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарилганлиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
I	Курсл. Ўзбек таъвудиниң тавсиядаги	13	12,2 %.	Бажарилди	хисоб
II	Ўзимизни меморидаги сизимиз учунчидан дисқолагарни	32	30,1 %.	Бажарилди	хисоб
III	Ўзимизни меморидаги мисодий дисқолагарни оламендаши	31	29,6 %.	Бажарилди	хисоб
IV	Назараси заре ўзимиз меморидаги	11	10,3 %.	Бажарилди	хисоб
V	Андалай машудлик ўзимиз меморидаги	10	9,4 %.	Бажарилди	хисоб
VI	Рулоса. Арабиён-дар рӯйхати	9	8,4 %.	Бажарилди	хисоб
	Жами:	106	100 %.	Бажарилди	хисоб

Малакавий иш раҳбари

Документ С. Бакарева

Топширик олинган күн

28.11.2012

Тапаба

21-10-19

M. Camenges

КИРИШ

Республикамида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни босқичмабосқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни етишириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, техникасига, маҳоратига, тайёргарлигига ва фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришда жамият олдидаги жавобгарлиги янада ортиб бораверади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доимо тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади» (Каримов И.А. Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон” 1992 йил 78-бет).

Демак, замонавий шароитда ишлаб чиқариш малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ифодаловчи, унинг қондирилиши учун ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда олий таълим тизимига буюртма бериши, ушбу буюртмани қондириш мақсадида ташкил этиладиган таълим жараёнини молиялаштириш ва моддий-техник таъминотни яратишдаги иштироки билан ўқув муассасалари фаолиятини самарали ташкил этилишига таъсир кўрсатади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлаш миллий моделида “кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг иштирокчиси” сифатида намоён бўлади. Демак, замонавий

шароитда ишлаб чиқариш малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ифодаловчи, унинг қондирилиши учун ўрта маҳсус, қасб-хунар ҳамда олий таълим тизимиға буюртма бериши, ушбу буюртмани қондириш мақсадида ташкил этиладиган таълим жараёнини молиялаштириш ва моддий-техник таъминотни яратишдаги иштироки билан ўқув муассасалари фаолиятини самарали ташкил этилишига таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар кўлга киритилди.

Хозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иктисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қиласи. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашуvigа, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма – босқич ва мувофақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолияти, унинг касбий нуфузини ошириш билан боғлиқдир. Шундай экан ўқитувчи мустақиллик ғоясига эътиқодли ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккурга эга, касбига тегишли маълумоти бор, яъни ўз фанининг чукур билимдони, педагог мулокот устаси, педагогик психологик, услибий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазифаларни тезда ечиш, вазиятларни сезиш, ўрганиш ва баҳолай олиши керак. У педагогик таъсир

кўрсатишнинг энг маъқул усул ва воситаларини танлай олиш қобилятига ҳам эга бўлиши лозим.

Битириув малакавий ишининг мазмунига асосий эътибор илгор методлари, тажрибалар, дидактика методика соҳасига мавжуд амалий ва назарий тушунчалар бўлиб, унда бўлажак касб таълими мутахассисларини тайёрлаш жараёнини шакл ва методларини ўрганишга қаратилган. Шунга кўра ушбу битириув малакавий ишида касб ҳунар коллежларида “Деҳқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари” мавзусини интерактив методлар асосида ўқитиш методикасини яратиш бўйича бажарилган ишлар тафсилоти ёритилган.

1. Фан ва мавзунинг тавсифи

1.1. Касб-хунар коллекцияда «Кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг тутган ўрни ва фанлараро боғланиши

Ўзбекистон тараққиёт ва ислоҳотларнинг хусусан, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг ўзига хос жаҳон ҳамжамиятлар томонидан такорланмас деб тан олинган йўлни танлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим турларидан ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Узлуксиз таълимнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган ушбу таълим тури ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар тайёрлаб беради. Шунинг учун ҳам касб-хунар коллекцияда таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил қиласидиган, салоҳиятли, янгича фикрлайдиган, мустақил ва ижодий фаолият кўрсатадиган юқори малакали иқтисодчи-педагогларга бўлган эҳтиёж катта.

Республикамизнинг Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Замон таълабларига мос мутахассислар тайёрламоқчи еканмиз биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли қиёфаси ва таркиби, моддий баъзаси ҳам замонавий бўлиши керак”. Шундай қилиб, ҳар бир жамиятнинг келажаги учун ажralmas қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.


Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш , унга ривожланган мамлакатларнинг илгор технологияларини жорий қилиш, миллий қадрятларимизни синдирган ҳолда таълимни ташкил қилиш, бу жараённи пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бу борада 1997 йилда тарихий ҳужжат республикамизда “таълим тўғрисида ”ги қонун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилиндики улар мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ташкилий,

илмий ва методик асоси бўлиб, асосий мақсади комил инсон ва етук малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида касб-хунар коллажларида тайёрланадиган малакали кадрлар «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанини мукаммал ўрганиш билан бир қаторда умум иқтисодий фанлар бўйича назарий ва амалий билимларга эга бўлмоғи лозим. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишларини юқори савияда ташкил этиш кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги халқ хўжалигининг турли соҳаларини мутахассислар ва малакали иқтисодчилар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида касб-хунар коллажларида мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиласидиган малакали кадрларни тайёрлашни тақазо қиласиди. Шундай экан касб-хунар таълими фанлар блокидаги «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг қишлоқ хўжалиги корхоналари, дехқон ва фермер хўжаликлари учун малакали кадрлар тайёрлаб беришда муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда ҳар бир жамият аъзосининг олдида Бозор иқтисодиёти қонунлари, унинг Ўзбекистон Республикасида қандай амалга оширилаётганини, бу қонунларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни билиши таъкидланади. Касб-хунар коллажларида тайёрланадиган малакали кадрларнинг «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанини чуқур ўрганиши зарур аҳамиятга эга.

**«Қишлоқ хұжалиғи иқтисодиёти» фаны қуйидаги фанлар билан үзаро
боглиқдир.**



1.1- расм. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг фанлараро боғлиқлиги

Республикаимизда бозор муносабатларига ўтиш даврида бу фанни билмасдан туриб дөхқон ва фермер хўжалиги фаолияти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди.

1.2. Танланган мавзунинг долзарбилиги

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад аҳолини турмуш даражасини яхшилаш, ишлаб чиқариш даражасининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида айрим соҳалардан ортиқча ишчи кучларини бўшатиб, ишсиз ва аҳолининг ўсиб бораётган ишга яроқли қатламларини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган.

Маълумки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурида қишлоқ хўжалиги корхоналарини ислоҳ қилиш ва шу асосда дехқон меҳнатининг нуфузини ошириш, мамлакатимиз қишлоқ жойларида қулай яшashi ва шароитларини таъминлаш асосий масалалардан бири қилиб белгиланди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган фермер хўжаликларининг ер участкаларини оптималлаштириш, қишлоқда бандлик муаммосини янада кучайтиришга ва ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга ўтказилиши заруриятини тақозо этмоқда. Юқоридаги сабабларга кўра иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқда меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини бандлигини оширишдан иборат.

1.3. Касб-ҳунар колледжларининг мақсад ва вазифалари

Таълим тизимида касб-ҳунар коллеки ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб - ҳунар ўқув ютидир. Касб-ҳунар коллеки тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва қўнималарини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради. Касб-ҳунар колледжлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибининг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан

чукур назарий билим олиш имконини беради. Касб-хунар колледжларида ўкувчиларга ўз билимларини чукурлаштириши ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди. Касб -хунар колледжларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишини давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хукуқини беради.

Касб-хунар таълимини ташкил этиш учун қуидагилар зарур:

- касб-хунар колледжлари фаолият қўрсатишнинг норматив базаларининг ишлаб чиқариш ва жорий этиш;
- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- касб-хунар таълимни давлат стандартлари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб - хунар дастурлари, ўкув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;
- касб-хунар колледжларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;
- худудларнинг жуғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўкувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;
- касб-хунар колледжларининг моддий - техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Касб -хунар колледжлари таълими сифатини яхшилаш мақсадида профессор-ўқитувчилар давлат аттестациясидан ўтказилиши ва таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилиши лозим.

2. Ўқитиши методикасиниг умумий масалалари

2.1. Дидактиканинг моҳияти ва асосий тамойиллари

Дидактика-таълим назарияси тушунчасини англатади. Таълим назарияси таълим-тарбия жараёнида амал қилиниши шарт бўлган тамойиллар, таълим усуллари ва таълим-тарбия шакллари, педагогикадаги асосий тушунчаларни ўз ичига олади. Демак, дидактика ёш авлодни “нимага ўқитиши?”, “нимани ўқитиши?” ва “қандай ўқитиши?” каби саволлварга жавоб беради. Дидактика ўқитишининг умумий қонун ва қонуниятларинн аниқлаб бериши ва у билан бирга, ҳар бир ўкув фанининг ўқитиши усуллари учун асос бўлиб ҳизмат қиласди. Дидаатиканинг асосий вазифаси таълим-тарбия жараёнида обеъктив ҳукум сурувчи қонуниятлари аниқлаб улар асосида таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг қонун ва қоидалари ҳамда тамойилларини тузи беришдан иборат. Кўп йиллик изланишлар ва бахслар натижасида таълим-тарбия жараёнида қуидаги дарс ўтишининг умумий тамойиллар жараёни тизими ишлаб чиқилган:

1. Онглилик ва фаоллик – билимни талабалар томонидан онгли равищда фаол қатнашиб егаллашлик;
2. Кўргазмалилик - “юз маротаба ешитгандан бир маротаба кўрган яхши”, тамойилинидан келиб чиқиб, билим беришда турли қўргазмали қуроллардан самарали ва унумли фойдалана билиш;
3. Тизимлилик ва мунтазамлик – билимни маълум бир тизимга ва узлуксиз равищда бериб бориш;
4. Мустаҳкамлик – билимни тушунарли тилда қайта-қайта такрорлаш йўли билан беришдан иборат;
5. Тушунарлилик – билимни ҳаммага тушунарли қилиб бериш;
6. Илмийлик – билимни болаларда аввалдан мавжуд ва мукаммал билимларга асосниб ва уларда келиб чиқсан ҳолда беришдан иборат;

7. Назария ва амалиёт бирлиги – билим беришда назарий билимларнинг амалиётда ишланишини, яъни уни хаёт билан, амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш;

Бу тамойиллар педагогик жамоатчилик томонидан умумий тамойиллар деб қабул қилинган. Онглилийк ва фаоллик тамойили. Бу тамойил асосида илм томонидан аниқланган инсоннинг ҳақиқий билим олиши учун, у бу билимларни чукур англий етганда илмий қувватини интенсив ишлатиши натижасида етишиши мумкин, деган қонуният ётади. Билимларни англагандик ҳолати қуидаги омиллардан келиб чиқади: ўқитишнинг сабаби; талабанинг билиш фаоллиги даражаси; ўқувчи ва талабаларнинг билиш фаоллигини бошқарилиши ва бошқа омиллар. Талабанинг шахсий билиш фаоллигини билиб олишда муҳим. Кўргазмалийк тамойили. Бу енг ҳаммага маълум ва тушунарли бўладиган тамойиллардан бири бўлиб, у қадими замонлардан қўлланилиб келинган. Бунинг асосида қуидаги қонуниятлар ётади: биринчидан, кўриш ва ешитиш орқали олинган ахборотлар мияга туришга таъсир етиб турлича хотирада сақланади. Ўқитиш жараёнида кўрган нарса ешитганга нисбатан бир неча баробар тез ўзлаштириб узок муддатга есда сақланиб қолади.

Билим бериш ва бу билимларни талабалар кўникмасига айлантириш жараёнида, барча тушунча ва мавхумликлар улар тафаккурига фақат асос, далил, тимсол ва қиёфалар орқали тез етиб боради. Яъни техник воситалар – ўқув телевидинияси, видео компьютер ва бошқалардан фойдаланилаётганда, аввал ўқитувчининг ўзи уни яхши ўзлаштириб олиши лозим. Тизимлийк ва мунтазамлик тамойили. Бу тамойил қуидаги қонуниятларга суюнади.

- инсон фақат дунёни ўз тафаккурига аниқ акс еттиргандагина ҳақиқий ва фаол билимларга ега бўлади;
- киши тафаккурида билимлар тизимнинг шакллантиришнинг асосий мақсадга ёъналтирилган расмий таълимнинг ташкил қилиши;
- билим бериш жараёни босқичма-босқич амалга оширилганлиги туфайли билим самарали бу босқичлар орасида масофаси жиҳатидан ҳаддан ошиб кетса, билим бериш самара бермайди.

Мустақиллик тамойили. Бу тамойилда барча илғор ўқитувчилар ва педагоглар кўп йиллик изланишларида ўз ифодасини топган. Унда назарий билимлар билан елементар билимлар бирлашиб мустаҳкамланади. Билимларни мустаҳкам егаллаш жараёни жуда мураккаб бўлиб, кейингидаги тадқиқотларда ўзгаришлар киритди.

Тушунарлилик тамойили. Бу тамойил бир томондан дидактиканинг бошқа тамоилларининг ва уларнинг талабларидан, иккинчи томондан, талабаларни ёш хусусиятларидан, учинчи томондан, кўп йиллик педагогик тажриба асосида яратилганди. Бу тамойил заминида тезаурус қонуни ётади. Бу қонун бўйича кишида билим фақат унинг тезаурисига мос келгандагина тушунарли бўлади. Тезаурис лотинча “хазина” ни билдиради. Маъноси, кейинги тўплаган билими, кўникма ва фикрлаш услуби унинг тезаурисини ташкил қиласи; Башқа қонуниятларни ҳам кқришимиз мумкин: бериладиган билимнинг тушунарлилиги, уни егаллаётган боланинг ёши индивидуал хусусиятларга боғлиқ; тушунарлилик билим беришни ташкил қилишга ва унда қўлланиладиган билим бериш усул ва услубларига боғлиқ; билимнинг тушунарлилиги ўқувчининг савиясига ва билим сифатида боғлиқлиги, билимни тушунарлилиги уни бериш суръатида боғлиқлиги билимни тушунарлилиги ва ҳакозо.

Илмийлик тамойили. Бу тамойил асосида бир қатор қонуниятлар ётади жумладан;

дунёни ўрганиб бўлади ва инсоният аниқлаган ва амалиётда синаб кўрилган қонуниятларни ўрганса бўлади;

таълим-тарбия жараёни илмий фаолият орқали тўплаган обеъктив олам тўғрисидаги маълумот тизими ошиб келаётган ёш авлодга билдиради;

илмийлик бериладиган билимлар маълум бир кетма-кетлиқда берилишини тақоз

Назария ва амалиётнинг бирлиги тамойили. Бу тамойил фалсафасининг билиш назариясининг марказий қоидасига асосланади. Унда билимнинг

бирлиги ва асосий нуқтаи назари бу ҳаётнинг ва амалиётнинг нуқтаи назаридир дейишади. Ҳар қандай билимнинг тўғрисидаги амалиётда синаб тасдиқланади.

Демак, таълим жараёни икки ёқлама характерга ега чунки унда икки томон ўқитувчи ва ўқувчи қатнашади. Ўқитувчи таълим жараёнини ташкил этиш учун ўқув материалини танлайди ва таълимни ташкил этиш ёълларини белгилайди. У таълим жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқаради ва раҳбарлик қиласи. Ўқувчининг фаолиятини муваффақияти аввало у таълимнинг мазмунини, методлари ва ташкилий шаклларидан умуман дидактик принципларни қанчалик тўғри амалга оширишга боғлиқдир.

2.2. Таълим бериш жараёниниң мазмуни

Таълим деганда биз ва инсониятни илмий билимлар ҳаёт учун зарур бўлган кўникмалар билан қуроллантириш жараёнини тушунилади. Тафаккурларини шакллантириш жараёнини тушунилади. Касб эгаллаш учун зарур билим кўникма ва малакаларни ўқув юртларида оладилар. Ўқитиши – бу шахсни тарбиялаш, билим беришдан иборат. Шахс турли омиллар таъсирида шаклланади. Тарбия еса шахсни шакллантирувчи, ривожлантирувчи, омиллардан биридир. Республикаизда касб-хунар таълимининг асосий мақсади ёшларни асосий мақсади ёшларни меҳнат ва касб-кор кўникмаларига ўргатиш, ишчи ходимлар тайёрлаш уларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтказишидир. Шахс таълим хизматларининг яратилиши сифатидаги тегишли малакадаражасини олгач, таълим моддий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда хизмат кўрсатади. Таълим жараёни орқали иш вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсад амалга оширилади.

1. Таълимий мақсад - фанлардан дарс ўтиш орқали ва унинг мазмунини билиш, ушбу фанги тегишли илмий бўлимларни ўзлаштириш, малака ва кўникмаларга ега бўлиш ва амалиётга тадбиқ қила олишидир.

2. Тарбиявий мақсад - фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий иймон-еътиқодларини шакллантиришdir;

3. Ривожлантирувчи мақсад – таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий билиш қобилиятини, ўқишига, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадларни амалга ошириш натижасидагина ўкувчидаги мустақил ишлаш истедоди пайдо бўлади.

Таълимнинг асосий мақсади, вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникмалар билан қуроллантиришдан иборатdir. Таълим жараёнида фаннинг енг зарурий, енг муҳимлари асоси ўрганилади. Бунинг учун ўқитувчи ўкувчига билим берар екан, уни соддадан мураккабга, умумийдан хусусийга етаклайди. Хулосалар чиқаришда, ҳаётда ишлаб чиқаришда қўллай билиш ўргатади. Ўқитувчи ўз фанини қанчалик содда баён қилмасин, у чуқур илмий бўлиши лозим. Ўқитувчи билимларни ўргатар екан, ўша жаоаёнда болаларнинг имкониятларини ўрганади, қўйидагиларни кўради, уларни бартараф этиш чораларини излайди. Ўқитувчи ёшларни янги билимларни фаол идрок қилишда, уни ҳаётда қўллай олишга тайёрлайди. Бу тасодифий ҳодиса бўлмай, ўкув жараёнининг мантиқида шуни билдиради.

2.3. Ўкув жараёнининг ўкув меъёрий ҳужжатлари. Дарснинг методик таъминоти

Таълим тизими ягона ўкув илмий ишлаб чиқариш сифатига изчил ривожланишини таъминлаш, ҳамда фуқароларга таълим тарбия бериш касб-хунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ҳар бир шахснинг баробар билим олишдан иборат конститутсиявий ҳуқуқини таъминлаган. Таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифаларида ойдинлаштирилади. Таълим мазмунини қўйидаги давлат ҳужжатлари ва расмий ҳужжатлар ташкил етади:

1. Ўкув режаси;
2. Ўкув дастури;

3.Дарсликлар, ўқув қўлланмалар;

Ўқув режаси таълимнинг мазмунини белгилайдиган енг муҳим хужжат бўлиб, унда мазкур ўқув юртида ўрганиладиган ўқув предметларининг таркиби, уларнинг ўқув йиллари ва ҳафталар бўйича тақсимланиши ҳамда ҳар бир ўқув предмети учун ажратилган вактлар миқдори ана шуларга мувофиқ ифодаланади. Ўқув режаси асосида таълим мазмунининг қабул қилинган қабул қилинган у ёки бу назария консепсиясини норматив ёъсинда ва яхлит холда акс еттирадиган асосий хужжатдир. Ўқув режалари ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ тузилади. Ўқув режасида мазкур билим юртида ўқувчи-талабаларга бериладиган мос предметлар тегишли ҳажмда келтирилади. Ҳар бир предмет учун ўқув соатларининг миқдорини белгилашда биринчидан, предметнинг таълим тизимидағи роли ва аҳамияти, иккинчидан мазкур предмет бўйича ўрганилиши лозим бўлган ва ўқув материалларининг ҳажми, учинчидан у ёки бу предметнинг ўрганишнинг дидактик хусусиятлар еътиборга олинади. Ўқув дастурининг асосий вазифаси, ўқув предметининг ва унинг мазмунини ифодалашдир. Унда маълум бир фаннин курсларда, қисмларида, мавзуларда бўлиши уларни ўрганиш тартиби, соатлар тури кўрсатилади. Дастур икки вазифани таълим мазмунини ўқув предмети доирасида акс еттиради ва ўқитувчига ёълланма сифатида хизмат қиласди. Ҳар бир ўқув премети бўйича дастур тўрт қисмдан ташкил топган: тушунтириш хати (ҳар бир фан учун алоҳида) , рўйхат кўринишидаги мазмунини (мавзулар, масалалар, лаборатория ва амалиётлар) предметлараро алоқалар кўрсатилган бўлиш ҳамда ўқувчиларнин билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар ва ифодаланган бўлинмалардан иборат. Курснинг мақсадлари ва вазифаларининг енг муҳим елементидир. Дастурда таълимнинг мазмунини масалалар рўйхати орқали ифодаланади. Ўқув материаллари талабаларга мўлжаллангани методик тавсияларда ёритилади. Дарслик асосий норматив хужжат ҳисобланади. Дарслик-ўқувчиларнинг китоби ва унинг енг муҳим қуролидир. Дарслик ўқитувчи учун ҳам методик ёълланма сифатида хизмат қиласди, тушунчаларни киритиш тартибини, уларни ёритиш чуқурлигини киритилган ўқув

материалариға вақтнинг тақсимланишини белгилайди. Дарслик билан ўқув жараёни ўзаро боғлиқ бўлиб, унда саволлар, топшириклар,, жадваллардан, статистик, хронологик маълумотлар ва бошқалар ўз ўрнида фойдаланиш мумкин. Ўқувчи-талабаларга муҳим бир фан асосида дарс ўтилаётганда қўшимча адабиётлардан ҳам фойдаланиш тавсия етилади. Фан юзасидан шу соҳа олимлари томонидан чиқарилган ўқув ва услубий қўлланмаларда фойдаланиш, журнал ва интернет хабарларидан фойдаланиб дарс ўтилганда талабада қизиқиш янада кучаяди. Дарс ўтиш жараёнида тарқатмали материаллардан ва жадвал ва графиклардан фойдаланиш лозим. Дарс ўтишда методик таъминланиши юқори бўлса ўқувчиларда қизиқиш кучаяди.

2.4. Дарснинг ташкилий шаклларини танлаш ва асослаш. Дарс унинг турлари ва тузилиши

Илмий билимларни талабалар қалби ва онгига сингдириш жараёни таълим тарбиянинг замон талабларидга ва жавоб берувчи турли шакллари орқали амалга оширилади. Таълим шакллари машғулотларни ўtkазиш вақтига қараб ҳамда ўқувчи талабаларнинг таркиби ва улар фаолиятининг характер-моҳиятига қараб белгиланади. Таълимни ташкил етиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда машғулот турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда Республика таълим муассасаларида таълимни синф-дарс шаклларига олиб бориш кенг тарқалган.

Синф деганда, яъни ёши ва билиш даражаси бир хил бўлган ўқувчилар груҳи тушунилади. Дарс аниқ мақсадни кўзлаб белгиланган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотдир. Дарс-таълимнинг асосий шакли екан у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштириши, ўқувчи-талабаларнинг шахсий хусусиятлари ётиборга олинган ва ташкил етилиши дарс олдида дидактик талаблар ўқувчиларни қуроллантиришда асосий рол ўйнайди. Шу сабабли ўқув машғулотларига ажратилган вақтнинг асосий қисми

дарс ўтиш учун сарфланади. Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари қуидагилардан иборат:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси;
2. Ўқув материаларини мустаҳкамлаш ва билимларни умумлаштириш дарси;
3. Такрорлаш ва билимларни умумлаштириш дарси;
4. Ўқувчиларнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш, баҳолаш;

Таълим жараёнида енг қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиш дарсидир. Дарс ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ҳамкорликка асосланиши лозим. Шундагина ўқитувчилар мустақил еркин фикрлай оладилар, иродалари тарбияланади. Нутқ маданияти ривожланади. Муаммоли вазият изланишлар орқали ўз ёълини топа оладилар. Узлуксиз таълимнинг ўзига хос ташкилий шакллари мавжуд.

Маъруза – ўқув жараёнининг илғор усууларидан бири бўлиб, унда ўқувчи томонидан ўрганилаётган билимлар, масалалар, кўниқмалар, талабаларда ёппасига баён етилади. Маърузага тайёрланиш жараёнида ўқитувчи мавзу бўйича саволларни қандай баён қилишни, қандай услублар қўллашни кўз ўнгига келтириши керак. Мавзу бўйича адабиётларни, зарур маълумотларни ана шундагина тўғри танлаши мумкин. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, агар ўқитувчи зарур далиллар маълумотларга ега бўлсада уларни ишонарли асосланган ҳолда баён қилмаслиги фандаги долзарб саволларни жавоб беришда четлаб ўтиш ёки четга чиқариши мумкиндири. Бу масалаларда маърузадан қониқмасликка, унинг ишончлилиги ва тарбиявий аҳамиятини тушунтиришга олиб келади. Маърузада одатда кўпроқ баён қилиш етакчи рол ўйнайди. Талабалар дарсда пассив рол ўйнайдилар.

Амалий, семинар дарсида еса талабалар актив рол ўйнайдилар. Дарсда турли услубларни қўллаб, уларни фаоллигин таъминлаш имконияти кенг. Амалий машғулот-ўқув ишларининг мантиқий давоми бўлиб, бу термин талабаларнинг мустақил аудитория ишларини умумий тушунчаси бўлиб ҳисобланади. Амалий машғулотларда машқлар ишлаш, тажрибаларни ўтказиш кабилар амалга оширилади. Билим беришнинг бу шаклида маърузаларда олинган назарий

билимлар беришлар бевосита амалиёт билан боғланади ва ўқувчилар тажрибалар томонидан амалга оширилади.

Семинар машғулотларининг мақсади талабаларнинг чуқур билим олишини таъминлаш олган билимни реал ҳаётда қайта қўллашдир. Бунинг учун талаба олган ахборотларини ташкил қилиш илмий тадқиқот ўтказиш. Таққослаш хulosа чиқаришни билиши керак. Бундай маҳоратга ега бўлишда кўп жиҳатдан семинар дарси ёрдам беради. Семинар дарсини мувоффақиятли ўтказиш учун енг аввало асосий ва қўшимча адабиётларни синчковлик билан ўрганиб чиқиш зарур. Адабиётларни ўрганишни дарс жараёнида талабаларнинг диққатини қаратиш лозим бўлган масалаларни алоҳида ажратиш мавзуни қайси усул асосида ўрганишни режалаштириш ва дарсга тайёрланиш имконини беради. Айниқса аудиторияда муҳокама қилиш мунозараларга сабаб бўладиган саволлар қўйилганда юз беради. Натижада мавзуни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Демак, даср башдан-оёқ бир дарс тури билан белгиланмайди, балки шу дарсда янги билимни баён етиш билан бирга уни мустаҳкамлаш, яъни билимлар устида машқ ўтказиш, уйга вазифа каби бошқа елеменларнинг бўлиши ҳам мумкин, шунга қарамай, дарсдан кўзланган мақсад ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар шунга бўйсиндирилади. Шунинг учун ҳам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади. Дарсда ўқувчиларнинг китоби уларнинг энг муҳим қуролидир. Дарслик ўқитувчи учун методик қўлланма сифатида хизмат қиласи, тушунчаларни киритиш тартибини, уларнинг киритилган ўқув материалларига вақтининг тақсимланишини белгилайди.

2.5. Таълим методлари. Ўқитиши методларини танлаш ва асослаш

Педагогик жараёнда таълим-тарбия методларини танлаш марказий масалалардан биридир. “Метод” объектив оламни билиш, тадқиқ қилиш усулидир. Таълим методи илм-фан, касб-хунар ёки алоҳида ўқув предметига оид билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий вазифаларни ўзлаштириш мақсадидаги қўлланмалардан ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ҳатти-ҳаракат усуллари тизимиdir. Таълим методлари, педагогик жараёнидан кўзланган мақсадга биноан пировард натижани тамин ва ёъл (усуллар) тизимиdir. Методлар ўз навбатида усуллардан ташкил топади. Таълим-тарбия методларида педагогиканинг обектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, принциплари, шакллари ўзи ифодасини топади. Касбий тайёргарлик жараёнида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларга еришишга ёъналтирилган педагогик ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқалар ҳамкорлик фоалияти усуллари таълим методлари деб юритилади. Ҳар қандай онгли фаолиятни ўзаро алоқадор ташкил етиш, қизиқтириш амалга ошириши ва назорат қилиш босқичларидан иборат бўлганлиги боис Н. К.Бабанский таълим методларини ҳам қўйидаги уч гурухга ажратади:

1. Ўқув билиш фаолиятларини ташкил етиш методлари;
2. Ўқув-билиш фаолиятида рағбатлантириш методлари;
3. Ўқув-билиш фаолияти самарадорлигинии назорат қилиш;

Таълим методларининг самарадорлиги билан ҳар қандай ва турли шароитда охир-оқибат ўқувчилар ўзлаштирган билим иш-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларининг шаклланиши самарадорлиги ва сифатига боғлиқ бўлади; таълим методларидан самарали фойдаланиши учун уларни таълим тизимида ва уни тасаввур етиш зарур. Биз қўйида академик Н.К.Бабанский таклиф етган методлар шажараси билан танишишга ҳаракат қиласиз ва улар қўйидагиларни ташкил қиласиди:

- I. Таълим метолари ахборотларни узатиш ва идрок етиш манбаига кўра қўйидагича турланади;

1. Оғзаки (ҳикоя, сұхбат, маъруза);
2. Күргазмали (расмлар, диаграммалар күрсатиши);
3. Амалий (тажриба-синов ишлари, үқув ишлаб чиқариш мәхнати кабилар);

II. Ахборотларни узатиши ва идрок етиши мантиғига күра таълим методлари: индуктив ва дидуктив бўлади. Индуксия хусусий, жузъий ҳодиса ва далиллардан умумий холосага келиш усули, дидуксия еса умумийдан хусусий холоса чиқариш ёълидир.

III. Билимларни ўзлаштиришда үқувчиларининг фикр юритиш мустақиллигидаражасига кўра қуидагича фикр юритиш мустақиллигидаражасига кўра қуидагича бўлади:

1. Махсулсиз (үқувчилар нофаол иштирокчи бўлиб қатнашадилар)
2. Махсулли (үқувчиларнинг фаол изланишларидан үқув билим ва ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок етишларини кўзда тутади).

IV. Үқув ишларининг босқичларини даражасига кўра:

1. Үқувчиларнинг бевосита раҳбарлигидаги үқув ишлари;
2. Үқувчиларнинг ўз устиларида мустақил ишлари: (кииоб манба) лар билан ёзма ишларни бажариш; лаборатория ишлари, мәхнат вазифаларини бажариш кабилар);

V. Үқув ишларида қизиқиши методлари:

1. Үқув билиш ўйинлари;
2. Үқув мунозаралари;
3. Эмосионал ахлоқий вазифалари;

VI. Бурч ва жавобгарликка рағбатлантириш методлари;

1. Үқиб-ўрганишнинг муҳимлигига ишонтириш;
2. Талаблар қўйиш;
3. Талабларнинг бажарилиши юзасидан машқ қилдириш;
4. Рағбатлантириш ва жазолаш;

VII. Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари индивидуал сўров; оғзаки синов, оғзаки имтиҳон, машинали ёки машинасиз назорат, оғзаки ўз-ўзини назорат қилиш.

VIII. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари, ёзма назорат ишлари, ёзма синов ишлари, ёзма имтиҳонлар, ёзма дастурлаштирилган ишларни бажариш, ва ёзма ўз-ўзини назорат қилиш;

IX. Лабаратория амалий ва назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари:

- 1.Лаборатория амалий назорат ишлари;
2. Машинали ёки машинасиз назорат ишлари;
3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун мўлжалланган лаборатория амалий ишларна бажариш.

X. Шахсий ҳис-туйғуларни шакллантириш (тарбиянинг) методлари, сухбат, намуна бўлиш, маъруза, мунозара;

XI. Ижтимоий ахлоқий тажрбалар ва амалий фаолиятни ташкил етишни шакллантириш методлари, педагогик талаб, жамият фикр мунозаралари, одатлантириш, машқлантириш, тарбиявий вазиятларни юзага келтириш.

XII. Одоб-ахлоқ ва хулқ-атворни ривожлантириш методлари:

1. Мусобақа, 2.Моддий ва маънавий рағбатлантириш ва 3. Жазолаш; Реал педагогик жараёнда методларнинг қандай турлари бор ёки билишнинг емас, балки улардан самаралифойдалана олиш муҳимаҳамият касб етади. Бу методлардан фойдаланиш нисбатан қўп вақт талаб етади. Зарур жараёнда тафакурлаш қобилиятини ривожлантиради. Мустақиллик изланувчан фаолият кўрсатишда имкон бермайди.

2.6. Педагогик технология ва педагогик маҳорат

Педагогик технология педагогнинг талабаларга ва унга таъсир қилишни ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаолиятнинг технологиклигини англаш усулларини таклиф етади. Педагогик технология-ўқувчи ва ўқитувчининг уларда зарур шароит яратиш орқали ўкув жараёнини лойихалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича педагогик фаолиятнинг ҳар томонлама қўлланган моделидир.

Педагогик технология-педагогик мақсадларга ва шу мақсадга еришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йифиндиси ва тартибини билдиради. Таълим жараёни деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига кўрафаолиятини бошқаришнинг назарий лойихаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади. Касбий ўқитишиз технологияси шахсни интизоми, ироди ва ихтисосликка бўлган қизиқишини юзага келтиради ва мутахассисга бўлган ҳар қандай талабни қаноатлантиришга қаратилган таълим технологиялари, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигига қаратилган таълим технологиялари ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорлигига психологик шарт-шароитларни амалга оширишга ёъналтиради.

Мутахассисларни касбий тайёрлаш технологик ва унинг тамойили бўлажак касбига қаратилган мақсадлар, мазмун функциялари, ўқитишиз методларидир. Шундан келиб чиқсан ҳолда педагогик технологиялар ишлаб чиқилди. Янги педагогик технологияларнинг мақсади ўкув жараёнини диагностикаси уни режалаштириш ва уни амалга оширишни лойиҳалаш, ундаги ўқитишиз методларини ва воситаларини ўзгаритириб туришдан иборат. Ўкув юртларида таълим жараёнида фойдаланиладиган ва кенг тарқатилган педагогик технологияларга қуидагиларни киритишимиз мумкин.

Янги педагогик технологиялар

Муаммоли ўқитиш	Ўқитишининг Табақалаштирилган ва индувидуал технологияси	Программалаштирилган ўқитиш технологияси	Компьютер ахборот технологияси	Муаллифлик технологияси
-----------------	----------------------------------------------------------	------------------------------------------	--------------------------------	-------------------------

Анъанавий ўқитиш жараёни тафаккурнинг назариядан-амалиётда харакатида асосланган бўлади. Продуктив ўқитиш жараёни еса, тафаккурнинг бошқачароқ мантиғига, амалиётдан ўқишга асосланган бўлади. Ўқитувчининг продуктив ўқишни таъминлайдиган енг самарали технологиялардан бири бўлади

2.7. Ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш. Кўргазмали куроллар

Ахборотлар хажмининг кун сайин ошиб бориши ўқувчиларга уларни етказиш учун ўқувчининг техник воситалари ёрдамга келади. Ҳозирги вақтда барча фанларни самарали ўқитища фойдаланилаётган техникани воситаларига қўйидагилар киради; проекторлар ва кинопроексион аппаратлар, магнитафонлар, телевизорлар, билимни назорат қилувчи ва имтиҳон олувчи машиналар ва копмьютерлар киради. Улар ўқитувчи томонидан тўғри танланса ва самарали қўлланилса, ўтиладиган дарснинг мазмуни чукурлашади ва ўқувчи оладиган ва унинг самараси янада яхшиланади.

Бугунги кунда таълим жараёнини самарадорлигини ошириш учун таълимнинг замонавий техника воситалари ёрдамида дарс ўтишнинг мақсадга еришишга ёрдам беради. Ўқтишнинг техник воситалари ёрдамидан ташкил этиш ҳамда, кўргазмали материаллардан фойдаланиши орқали ҳам кўрсатиш орқали ўқув материалларини идрок қилиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларни турмушдаги заруриятини англаб этишларига асос солади, дикқатни баркарорлаштиради.

Таълим жараёнини самарадорлигини ошириш учун таълимнинг замонавий техника воситалирдан кенг фойдаланшга қуидагилар киради: графиклар, схемалар, тарқатмали материаллар, проекториялар, ўқув телевиденияси, компьютерлар, электрон хисоблаш машиналари, киноаппаратлар, аудио магнитофонлар, интернет хабарлари, доска, доска стенdlар. Таълим-тарбия жараёнида ўқитиши воситаларидан фойдаланиб дарсларни ўқиш, таълим-тарбия соҳасидаги туб бурилишни ясайди. Булардан ташқари жуда ҳам кўп техника воситалари мавжудки, уларни унумли фойдаланилса ўқувчиларининг билим даражаси янада ошади.

Агар педагогик тизимда таълимнинг техник воситаси сифатида компьютер ишлатиладиган бўлса, педагогик тизимнинг бошқа элементлари ҳам шунча мос равишда ташкил этиши керак, шундагина компьютерларининг барча имкониятларини юзага чиқарадаган ва янги такомиллашган педагогик технология ҳосил бўлади. Интернет таълим соҳасида катта аҳамиятга ега. Интернет ёрдамида барча нарсани билиш мумкин ва деярли барча билиш мумкин ва деярли барча саволларга жавоб топиш мумкин. Ҳар бир касб-хунар коллежларида ўқитишининг моҳияти шундан иборатки, талабаларни ўқишга қабул қилишдан бошлиб ўқув жараёнининг ташкил этилиши мазмуни билан меъзони ва бир нечта касб ҳунар эгаси, устаси, кичик мутахассис бўлиб ўқишни тамомлашдан иборатdir.

2.8.Анъанавий ўқитиши методлари

Ўқитувчи аниқ фанни бошқа ўқув фанлари билан ўзаро боғланган ҳолда унинг ўқитиши мақсад ва вазифаларини белгилайди, ўқувчининг ўқув билиш фаолиятини жонлантиришни таъминлайдиган ўқитишининг замонавий шакл ва методларини ўйлаб топади.

Анъанавий дарс-таълим бир муддати мўлжаллангани, таълим жараёнида асосий бажарувчи шахс ўқитувчи ҳисобланадиган мавзуга кириш, аниқлаштириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва якунлаш босқичларидан иборат бўлган таълим методидир. Анъанавий ўқитиши методалари анчагина мураккаб бўлган янги ўқув материалларини беришда фойдаланиш яхши натижа беради. Ўқув жараёнинг моҳияти ўқувчи билиш фаолиятининг мантифи, бўлиб, у биринчидан биздаги билимларнинг ягона манбаи бўлиши амалиётни ўрганишдан бошланиши ва фикрлаш, асосида назарий умумлаштиришдан келиб чиқади. Бу методда асосий ёъналтириш марказида ўқувчи туриб қуида ижобий жиҳатларга эришилади:

- ўқувчининг ўқишига бўлган қизиқиши ошириш;
- олдин олган билимларини инобатга олиш;
- ўқувчининг ташаббусини ва мажбуриятда қўллаб-куватлаш;
- ўқув жараёнини тўғри ёълга қўйиш;
- ўқитувчининг ўқувчилар учун ўқув жараёнини енгиллаштириш;
- ўқув жараёнини холисона баҳолаш;
- вақтдан унумли ва самарали фойдаланиш;
- аниқ илмий билимларга таяниш ва улардан бошқа фанларни ўрганишда фойдаланиш каби ишларни амалга ошириш ва унга ёрдам беради.

Анъанавий дарснинг самарадорлигини ошириш ва дарсда ўқувчиларнинг фаоллигига еришиши учун янги дарсда ўқувчиларнинг кичик-кичик бўлимларга бўлиниб ўтиш тавсия етилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг бу материалларни қандай ўзлаштириб бораётганлигини назорат қилиб бориш ва

бу мақсадда турли хил машқ ва топшириқларни бажариш мақсадға мувофиқ бўлади.

Бунинг учун дарс жараёнини оқилона ташкил қилиш, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаолллигини муттасил рағбатлантириб туриш, ўқув материалларининг мазмунини оширишда баҳс-мунозарага, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқод, ролли ўйинлар методларидан фойдаланиш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларни келтириш, ўқувчиларни амалий масала ва машқларни мустақил равишда бажаришда ундан тушунча баҳолаш усуллари ва таълим воситаларини ўз ўрнида қўллаш тавсия етилади.

Олий мактабдаги ўқитиш усуллари муаммоси кўп сонли тадқиқотларнинг мавжудлигига қарамасдан ҳозиргача ҳал етилганича ёъқ. Бу ўқитиш усулларининг дилектиклиги, олий мактабдаги таълим мазмунининг такомиллаштуви, илмий техник тараққиётининг ўсиб бориши билан изохланади.

Олий мактабдаги ўқитиш методлари нафакат дарс бериш усуллари ва услубларини билдиради, балки билишнинг ўқув ва илмий фаолиятда ёъналтирилган тизими еканлигини қайд қиласи. Ўқитиш усуллари билим, малака ва кўнималарни ижодий эгаллашга ёрдам беради.

2.9.Касб-хунар таълимида инновацион технологиялар

Иновацион таълим бу бўлажак мутахассисларни жойларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у аввал олган билимлар асосида таълимни такомиллаштириш ва самарали янгича ёндашув қилишдан иборат. Унда таълим-тарбияда янгича сифат қўрсаткичидан еришиб, юқори самарадорлигини қўлга киритиш амалга оширилади ва ижодкорликка ёъналтирилади ҳамда таълим технологияларини янгича сифат босқичига кўтариш, шунингдек таълим-тарбияда замонавий ёндашувларни ташкил қилиб беришни

таъминлайди. Иновацион таълимда замон билан ҳамнафас таълим технологияларини яратиш билан шуғулланишда доим имконият бор.

Иновацион таълим ўзига хос ижобий хусусиятларга ега. Улар қуидагилардан иборат:

- кадрлар тайёрлаш тизимида илм-фаннынг узвий равишда кириб боришини таъминлайди. Бунда илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион лойихаларни шакллантириш ва амалга ошириш ёъли билан илм-фаннынг таълим амалиёти билан ва интеграсияни таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди;
- илғор педагогик технологиялар ва янги ахборот технологияларини жорий етиш учун ўрта умум таълим ва ўрта махсус қасб-хунар таълими ва олий ўқув юртларида эксперементал майдончалар ташкил этиш орқали илмий-тадқиқот натижаларини ўқув-тарбия жараёнида бу ўз вақтида жорий этиш механизмларини рўёбга чиқаришда самарали фойдаланишга еришилади;
- таълим жараёнининг истиқболлигини олгандан кўриш, билиш яъни таълим берувчининг авввлги ва ҳозирги тажрибалари асосида ўқитиш емас, балки таълим олувчини узоқ келажакни мўлжаллашга (истикболли режа тузишда) ўргатишдан иборат бўлиб, унда таълим олувчи ижтимоий ҳаёт ва қасбий фаолиятда ташхизлаш, башоратлаш, моделллаштириш ва лойиҳалаштиришни амалга ошига олиш зарур;
- таълим олувчиларнинг ҳамкорликда таълим олиш ва оптималь қарорларни қабул қилиш (локал ва хусусийдан тортиб дунёни маданият ривожланиншини ҳисобга олишда глобал муаммоларни ҳал етиш) да фаол иштирок етишини таъминлайди.

Иновацион таълим бўлажак мутахасисини янгича шароитларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, олдинги олган билимларни асосида таълимни такомиллаштиришда самарали янги ёндашув қилишдан иборатdir.

Иновацион таълимнинг асосий мақсади таълим беришда ундаги юқори самарадорликни ва ижовий сифат кўрсаткичларини э

галлашнинг методикасини яратиш. Бунда илфор педагогик ва ахборот технологиялари ва ҳокозоларга асосий манбалар бўйича хисобланади.

Ёшларга таълим бериш, тарбиялаш ва уларнинг умумий ривожлантиришларини бир бутунликда амалга ошириш зарур. Таълим тзимида таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси асосида ва етакчи қоидалардан бири хисобланади.

2.10. Программалаштирилган таълим

Программалаштирилган таълим ўқитишниташкил етишнинг бир шакли бўлиб, ўқув жараёнида кибернетика ғоялари ва принципларини амалга ошириш имкониятини беради. Таълимнинг ташкилий шаклини амалга ошириш учун фақатгина кибернетиканинг ғоялари емас, балки ҳар бир ўқувчи билан доимий икки томонлама ахборот алмашинувини таъминлайдиган таълимнинг янги воситалари ва масалалари ҳам керак. Технологиявий автоматлаштириш ва программалаштирилган қўлланмалар туфайли таълим шароитида тескари алоқа ва ўқитишнинг индивидуаллаштириш принципларини, фаоллик ва онглилик принципи енг самарали амалга ошириш, ўқув жараёнидаги мустақил ишни ташкил қилишнинг янги шаклларини топиш имконияти вужудга келади. Бунда еса ўқитувчисиз таълимнинг боришини билим, қўникма ва малакаларини ўзлаштиришнинг турлича босқичга мувофиқ ўзлаштириш ва таълимнинг боришини ўзлаштириш динамикасига мослаштириш мумкин бўлади. Хусусан ана шу таълимни программалаштириш сабабли ўқитиш назарияс ва амлиётида вужуудга келган янгилик хисобланади.

Программалаштирилган таълим билим ва қўникмаларни ўзлаштириш жараёнини оптималлаштириш масаласини ҳал қиласди. Бу масала кибернетика билан таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган психологик педагогик фанлар туташган жойда ҳал бўлади.

Программалаштирилган таълимда ўқув материаллари бўйича тайёргарликка, баён қилишга ва сўровга қўйиладиган аниқлик талаблари тўла

қонуний ва зарурдир. Чунки ўкув жараёни бошқариладиган жараён бўлиши ва уни ўқитувчи ёки техник воситада жойланадиган дастур, программалаштирилган дарслик, ўқитиш машинаси ва бошқа замонавий электрон акустик проексияловчи аппаратлар ёрдами билан олиб бориш керак. Машғулотлар жараёнида дастурлаштирилган таълимни ўқитиш воситаси билан яккама-якка келадиган ўқитишнинг ишидаги барча ижобий ва салбий томонларини максимал даражада ҳисобга олиш учун ўкув материали қанчалик аниқ системалаштиришни тасаввур етиш мумкин. Ҳар қандай дидактика тили билан айтганда, топшириқни муваффақиятли бажариш учун уни бажаришга барча усулларини ўзлаштириш керак. Ахборот факат микдори бўйича емас, балки мақсадга еришиш еҳтимолини оширишга кўра қиммати бўйича ўлчаниш лозим.

Программалаштирилган таълим ва тарбиянинг асосий ва умуман қабул қилинган вазифаси таълим ва тарбия жараёнини бошқариладиган жараёнда айлантирилади.

2.11. Баҳс – мунозара методи

Мунозара шаклидаги машғулот икки босқичли қилиб ўтказилади. 20 та талаба бўлса тўрттадан ёки беш кишидан иборат кичик гураҳлар шаклида ўтказилади. Яъни ҳар столда давра қилиб ўтирилади. шундай қилиб, гурухда тўрт ёки бешта давра ҳосил бўлади. Бугунги машғулотдаги ҳал қилиниши керак бўлган муаммо тўрт ёки бешта масалага бўлинади. Ўқитувчи гурухлар ҳал қилиш лозим бўлган масалаларни алоҳида қоғозга ёзиб келади. Ҳар бир гурухга турли саволлар тарқатилади. Агар муаммо янги бўлса, ҳар бир карточкада қоғозга саволларга қисқача изоҳлар берилishi керак ёки муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган материаллар билан танишиш талabalарга олдиндан топширилади. Ҳар бир гурухга ўзлари олган масалаларни кичик гурухларда ўзаро ижодий ҳамкорликни ёълга қўйиб мунозарани ташкил қилишни ва тегишли жавоб ҳозирлаш учун 5-10 минут берилади ва мунозаранинг иккинчи

босқичи бошланади. Унда ҳар бир кичик гурух вакили ўзлари ҳал қилган масалани бутун гурухда, жамоада гапириб, исботлай билиши керак. Бу вакилнинг жавоби бошқа гурух аъзолари томонидан умумий мунозарага олинади ва умумий хулоса чиқарилади. Бундай ўқитуқчи мунозарага ижодий ҳамкор сифатида, енг зарур пайтларда иштирок қилиши керак.

ИНТЕРНЕТ ЯНГИЛИГИ

ЎҚИТУВЧИННИНГ МУСТАҚИЛ ЎҚИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Кудякова Р. – А.Авлоний номидаги ХТҲҚТМОМИ

[http:// www.xdlsoft.com/14.html](http://www.xdlsoft.com/14.html). (12.06.2013 й.)

Ўқитувчи мустақил малака оширишининг самарадорлиги учта асосий тамойиллар: муайян тартибга, узлуксизликка ва бажариш шартлигига риоя қилиш билан боғлиқ. Мустақил ўқиш – малака ошириш узлуксизлигини таъминлашнинг дастлабки бўғини ҳисобланади. Педагог кадрлар малака оширишининг узлуксизлигини таъминлайдиган бошқа бўғинларга фан методика бирлашмаларидағи фаолият, семинарлар, кенгашларда иштирок этиш, қисқа муддатли курсларда ёки малака ошириш курсида ўқиш киради.

Ўқитувчининг мустақил ўқиш бўйича ишида ёш, уз фаолиятини бошлаётганлар учун ҳам ва тажрибали, кўп йиллар ишлаш давомида тўплаган ва мустақил тадқиқот олиб бориш учун тайёрлаган ижобий тажрибаларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришга интилаётганлар учун ҳам энг масъулиятли босқич- мустақил ўқиш мавзусини танлаш ҳисобланади.

Бу ишдаги энг аҳамиятли жиҳати мустақил ўқиш ёки ўқитувчининг касбий тафаккури доирасини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган шахсий мавзуси устида тўғри, тизимли, босқичма-босқич ишлашини йўлга қўйишидан иборат.

Ўқитувчининг мавзу устида ишлашининг иккинчи босқичи режа тузиш бўлиб, бунда у назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганадиган масалаларнинг ишланмаси берилади. Бу масалаларни ўқитувчи тегишли манбаларни ўрганишни бошламасидан олдин шакллантириши жиддий аҳамаятга эга.

Бундай ёндашув ўқитувчидаги хосил бўлган фикр-мулоҳазаларни тегишли манбалар муаллифлари томонидан татбиқ қилинганлари билан солиштириш, қиёслаш учун имконият яратиши билан эътиборга лойик. Шунинdek, муаммога кириб бориш, қизиқиши хосил қилиш, муаллиф билан баҳсга киришиш, ўз тахминини, яъни, мазкур зиддиятнинг эҳтимол бўлган ечемини ишлаб чиқиши учун яхшироқ ёрдам беради. Шу тартибда ўз тахмини (гипотезаси) бўйича ишлаш ўқитувчининг башорат қилиш, қасбий фаолиятини ҳамда педагогик тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради.

Бунинг натижасида ўқитувчининг билим доираси ва педагогик маҳорати кенгайиши билан бирга унинг ўз методик ишини таҳлилий-тадқикот сфатида режалаштириш, амалга ошириш ва умумлаштириш учун имкониятлари кенгайиб боради.

Бунда адабиётлар билан ишлашга, тажриба-синов ишларини ўтказишга, бошқаларнинг ижобий тажрибаларини кузатиш ва таҳлил қилишга, ўз тажрибасини умумлаштиришга, шахсий мавзу бўйича ишлар натижасини таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мустақил ўқиши бўйича ишларни режалаштиришда ўз фани бўйича билимларни ошириб бориш асосий масалалардан бири бўлиши керак. Малака ошириш курсида ўқиётган ўқитувчилар билан уларнинг ўз фани бўйича билимларни ҳаққоний аниқлаш юзасидан сухбатлашишда ўзаро муносабатларни нозик даражада сақлай билиш керак. Чунки, ҳар бир ўқитувчи ўзини бу масалада яхши тайёргарликка эга деб ҳисоблайди. Унинг ўқитаётган фанини бўш билиши тўғрисидаги фикр унга қаттиқ тегади.

Лекин, малака ошириш курсларида ўтказиладиган назорат ишлари айрим ўқитувчиларнинг назарий билимлари бўшлигини ва уларнинг ушбу йўналишда

жиддий ишлашлари зарурлигини кўрсатади. Бу масалаларга кўпинча курс машғулотларида етарлича эътибор қаратилмайди. Бундай ҳол ўқитувчиларнинг ўз касбий тайёргарлик даражаларини, илмий-назарий, педагогик-психологик билимларини ошириш бўйича ишлари тўғрисидаги вақти-вақти билан ҳисобот беришларини ташкил этишни тақозо қиласди.

Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини оширишга қаратилган тадбирлар: конференция, семинар, тренинг, танлов ва шу каби тадбирларни мактаб, туман (шаҳар)ларда ўтказиб бориш лозим. Таълим тизимини янгилаш ва такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётган, таълимнинг энг самарали ва натижали йўл-йўриқларини излаш давом этаётган ҳозирги кунда педагог кадрларнинг мунтазам ўқишлирини таъминлаш зарур ҳисобланади.

Ўқитувчининг мустақил ўқиши шундай ташкил қилиниши зарурки, бу ишнинг натижалари имкони борича тезликда ўқувчиларнинг билим сифатини ва тарбияланганлик даражасини ошириш бўйича амалиётга татбиқ этиб бориладиган бўлсин.

Мустақил ўқиши ўзини ўзи бошқарадиган бўлиши лозим. Мустақил ўқиши ташкил қилиш ва унга раҳбарлик мактаб раҳбарияти, методика бирлашмаси, туман (шаҳар) методика хизмати тизими томонидан амалга оширилади. Бунда мустақил ўқиши мақсадга йўналтирилган бўлиши учун ўқитувчиларнинг ишини, ўқувчиларнинг фанлар бўйича билим, кўникма, малакалари сифатини ўрганиш, камчиликларни ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш йўлларини белгилаш лозим.

Бунда асосий эътиборни дидактика, психология ва тарбия назариясининг айрим ўқитувчи ёки ўқитувчилар грухси, бутун педагогик жамоа ҳал этиш устида ишлаши лозим бўлган муаммонинг мазмунини тўлароқ очиб беришга ёрдам берадиган масалаларига йўналтириш керак.

Айрим тажрибали педагогларнинг ўз устида ишлашлари энди керак эмас, деб ҳисоблашлари нотўғри. Мустақил ўқиши ҳозирда ҳар бир педагог учун

зарур, чунки ёш педагоглар ҳам кўп нарсани билмайдилар, тажрибалилари эса кўп нарсани унуганлар.

Ҳеч ким ўқиптувчи бўлиб туғилмайди, унинг бўлиб етишиши кўп жиҳатдан мактабда мустақил ўқиш ишининг яхши ташкил қилиниши, методик хизматнинг самарали, мақсадга йўналтирилган ва асосийси – узилишларсиз ишлаши билан боғлиқ.

Мустақил ўқишни қуидаги асосий йўналишлар бўйича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Ўқитувчининг миллий ғоя ва маънавият соҳасидаги билимлари даражасини ошириш.

2. Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёт йўлларини белгиловчи меъёрий, дастурий хужжатларни чукур ўрганиш.

3. Ўқитувчининг мутахассислик фани бўйича билимларини чукурлаштириш ва кенгайтириш.

4. Ўқитувчининг психология, педагогика, дидактика, хусусий методика соҳаларидағи билимлари ва тажрибасини кенгайтириш.

5. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни ҳамда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва амалга жорий қилиш.

6. Ўқитувчининг фан, техника, санъат ва адабиёт соҳаларидағи янгиликлар ва ютуқлар билан танишиб бориши.

Ҳар бир ўқитувчининг мустақил ўқиши, одатда, ўкув йили бўйича тузилган ва мактаб раҳбарияти томонидан тасдиқланган шахсий режа асосида амалга оширилади. Бу режада миллий ғоя ва маънавият, касбий ва маданий даражани оширишдан иборат учта асосий йўналишдаги мустақил ўқиш режалари билан бунга ўқитувчининг йил давомида ёки яқин 2-3 йилда ҳал қилиш устида иш олиб борадиган муаммоси ҳам кўрсатилади.

Бундай муаммо устида ишлашни бошлишда ҳар бир ўқитувчи аввал шу масала бўйича олимлар, методистлар асарларини қамраб оладиган библиография тузади. Бу адабиётларни ўқиш ва қисқа конспектлар олиш ўрганилаётган масала бўйича олимларнинг фикрларини солиштириш, уларни

умумлаштириш ҳамда ўз хulosаларини чиқариш имкониятини беради. Бу иш натижаси реферат ёзиш, методика бирлашмаси мажлисида маъруза ўқиш бўлиши лозим.

Мустақил ўқиш иши ўзаро дарс кузатишни, иш режаларини, машғулотларинг кенгайтирилган конспектларини муҳокама қилишни, ўқитувчининг танлаган мавзуси бўйича фаолиятини акс эттирадиган очик дарслар ўтказишни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Мустақил ўқиш, унинг йўллари ва методларини танлаш ўқитувчининг хоҳиши ҳамда ўз билимлари, методларидағи камчиликларни тўлдириш зарурати асосида белгиланиши керак. Ўз билимларини қайси мавзу бўйича такомиллаштиришни, ўқув йили давомида қандай тадқиқотлар, тажрибасиновлар ўтказишни режалаштиришни ўқитувчининг ўзи ҳал этиши лозим.

Юкорида айтилганлар асосида хulosса қилиш мумкинки, ўқитувчининг мустақил ўқишини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда туғри ташкил қилиш ва бу фаолиятнинг мунтазам олиб борилишини таъминлаш таълим сифати ва самарадорлигини оширишда жиддий аҳамиятга эга.

3.1.Мамлакатни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг аҳамияти ва зарурлиги.

Меҳнат унумдорлиги иқтисодий категория бўлиб, конкрет сарфланган меҳнатнинг натижавийлиги ёки самарадорлигиdir. Айрим иқтисодчилар меҳнат унумдорлигини вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, деб биладилар. Бошқалари эса меҳнат унумдорлиги деганда маҳсулот бирлиги учун сарфланган вақтни тушунадилар. Айрим иқтисодий адабиётларда меҳнат унумдорлиги конкрет сарфланаётган меҳнатнинг маълум вақт ичида маҳсулот яратади, деган тушунчалар ҳам берилган.

Конкрет сарфланаётган меҳнатнинг натижавийлиги меҳнат унумдорлигиdir, деган тушунча меҳнат унумдорлигининг мазмунини бошқаларига нисбатан аниқроқ ифода этади. *Вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичини ифодалайди.* Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори ҳам меҳнат унумдорлигининг иккинчи кўрсаткичини ифода этади. Уни иқтисодий адабиётларда меҳнатнинг интенсивлиги деб ҳам аталади. Агарда конкрет сарфланган меҳнатнинг маълум вақт ичида маҳсулот яратади, олиш қобилияти меҳнат унумдорлиги бўлса, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳар доим бир хилда бўлган бўлар эди. Бу фикрни мисол орқали кўрсак, қуидаги ҳолатга дуч келмиз: бир пахта терувчи барча жисмоний ва ақлий қобилиятини ишга солса, бир кунда 85 кг пахта тера олади. Пахта майдонлари ва бошқа омиллар бир хил бўлган пайтда ўша теримчи ҳар куни 85 кг дан пахта терган бўлар эди. Лекин барча шароитлар бир хил бўлишига қарамасдан теримчи ҳар куни ҳар хил миқдорда пахта теради. Яъни унинг ҳар кунги натижалари ҳар хил бўлади. Жуда камдан-кам ҳолларда бир хил кўрсаткичга эга бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Бунда натурал ва қиймат кўрсаткичлардан фойдаланилади. Натурал кўрсаткичларга вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган ялпи ҳосил ва бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори киради. Албатта, бу хар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар маълум камчиликка эга. Қишлоқ хўжалигида бир ишчи ходим йил давомида турли тармоқларда, яъни пахтачиликда, дончиликда, сабзавотчилик ва бошқа тармоқда фаолият кўрсатади. Базан бир куннинг ўзида бир нечта турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этади. Бу, ўз навбатида, ишчи ходимнинг иш вақтларини у ишлаган соҳаларга тақсимлаш муаммосини туғдиради. Албатта, иқтисодчилар томонидан меҳнат сарфларини маҳсулотларга тақсимлаш усуллари ишлаб чиқилган. Шунга қарамасдан меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари ҳақиқий ҳолатни жуда аниқ белгилай олмайди. Шу сабабли меҳнат унумдорлигининг қиймат кўрсаткичларидан кенгроқ фойдаланилади.

Бир ишчи ходим ҳисобига бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори. Бу кўрсаткич меҳнат унумдорлигининг энг асосий кўрсаткичларидан биридир. Бу, йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ишчи ходимларнинг ўртacha йиллик сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткич сарфланган меҳнатга нисбатан ҳам ҳисобланади. Бунда ялпи маҳсулот уни ишлаб чиқарилган вақт, киши-соатларига бўлиш йўли билан аниқланади. Меҳнат унумдорлигини киши-соатлари бўйича аниқлангани аникроқ ва тўғрироқ ҳисобланади. Чунки ходимларнинг ўртacha йиллик сони ҳақиқатда сарфланган меҳнатни киши соатларидек аниқ белгиламайди. Бир кишининг 280 ёки 260 қун ишга чиққани унинг ҳақиқатда ҳар куни неча соат ишлаганини билдирамайди.

Меҳнат унумдорлигининг бу кўрсаткичларини ҳисоблаганда ялпи маҳсулотни ҳисоблаш усуллари ҳам катта аҳамиятга эга. Амалда ялпи маҳсулот жорий ва солиштирма нархларда ҳисобланади. Узоқ даврларга меҳнат унумдорлигининг динамикасини кўрганда солиштирма баҳоларда ҳисобланган

ялпи маҳсулотни олиш талаб қилинади. Бу кўрсаткичларнинг йилдан - йилга ошгани ижобий ҳисобланади. 1 ёки 100 ёки 1000 сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт меҳнат унумдорлигининг иккинчи иқтисодий кўрсаткичидир. Сарфланган меҳнат киши- соатларида ўлчанади. Бу кўрсаткич йилдан-йилга камайиб боргани яхши. Яъни бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган киши - соатлари миқдори камайиб бориши зарур. Бу иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган барча талабларини қондиришда жонли ва буюмлашган меҳнатнинг аҳамияти улкан. Чунки у қийматни яратади, қолаверса, инсоннинг онгли-мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. У билан меҳнат предметлари ҳамда воситалари уйғунлашган ҳолда иш жараёни амалга оширилади. Бу жараённинг маҳсули қиймат ҳисобланади. Демак, талабни қондира олиш қобилиятига эга бўлган маҳсулотларни етиштириш, хизматларни бажариш инсоннинг жонли фаолияти (меҳнати) билан меҳнат предметлари ва воситаларининг мақсадга мувофиқ боғланишига боғлиқ. Уларнинг миқдори, сифати бевосита юқоридаги омилларга боғлиқ. Лекин инсон ва унинг онгли фаолияти бўлмаса ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди, иш ёки хизмат бажарилмайди. Шундай экан, факат инсон ўзининг онгли фаолияти билан маҳсулотларни яратади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда табиий шароитнинг (ҳарорат, ёғин ва иссиқ кунлар миқдори) аҳамияти катта. Ишлаб чиқариш инсон меҳнати ҳамда меҳнат проедметлари ва воситалари, табиий шароитларни эътиборга олган ҳолда самрали уйғунлашишини талаб этади. Инсон шу ишлаб чиқариш воситаларини маълум ҳудудда, даврда ишга солиб, ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширади. Бу жараён бир қанча меҳнат жараёнларини ўз ичига олади. Жумладан, экинлар экиладиган ерларни ҳайдаш, экишга тайёрлаш, экиш, сув бериш, ишлов бериш, ҳосилни териб олиш ва бошқалар. Ишлаб чиқариш жараёнининг самараси, аввало, инсоннинг онгига, билимига, малакасига, муносабатига, қолаверса, фан-техника тараққиётига, ишлаб чиқариш воситаларининг сифатига, ҳолатига ва ниҳоят, табиий шароитга

боғлиқ. Демак, инсон ўз фаолиятини уларнинг барчасини оқилона, улдабуронлик билан самарали ишга солишга қаратиши керак. Шундай меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади. Унинг табиати ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигига меҳнат тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуидаги хусусиятларга эга:

- меҳнат ва унинг самараси табиий шароит билан боғлиқлиги;
- меҳнатдан фойдаланишга ишлаб чиқариш мавсумийлигининг таъсир қилиши;
- қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг ўсимликлар ҳамда тирик мавжудотлар (ҳайвонлар, ўсимликлар) билан узвий боғланганлиги;
- қишлоқдаги меҳнат савияси ва билим даражасининг нисбатан пастлиги;
- ўсимчилик ва чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилганлик ва механизациялаштирилганлик ҳамда электрлаштирилганлик даражаси пастлиги;
- тармоқда тор доирадаги ихтисослашишнинг камлиги;
- қишлоқ хўжалигига сарфланаётган меҳнат таркибида аёллар ва ёшлар меҳнати салмоғи (хиссаси) нинг кўплиги;
- қишлоқ хўжалигига меҳнатга тўланаётган ҳақ ва унинг ижтимоий ҳимояланиши бошқа тармоқлардагига нисбатан пастлиги ва бошқалар.

Таъкидланган хусусиятлар тармоқда сарфланадиган меҳнатнинг миқдорига, сифатига ва самарасига бевосита таъсир этади. Турлича табиий шароитда, ҳар хил даражада ихтисослашган хўжаликларда бир хил иш жараёнларини амалга ошириш учун ҳар хил миқдорда бир турдаги меҳнат сарфланади, унинг самарадорлиги ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Кеч куз, қиш ва эрта баҳорда меҳнат сарфи кескин камайиб, ҳосилни йиғиб олишда унга бўлган талаб ортади. Шу даврда мавсумий ишчилар шартнома асосида жалб этилади. Ўсимчилик ва чорвачиликда бажариладиган ишларнинг кўпчилиги юқори даражада билим ва малака талаб этмайди. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат таркибида аёллар меҳнатининг салмоғи ҳозирги даврда анча юқори. Шунинг

учун ҳам тармоқда меңнатга түланаётган ҳақ камроқ. Тармоқнинг янги, унумли техникалар билан талаб даражасида таъминланмаганлиги айрим иш жараёнларини (сұғориши, чиканка қилиш, ҳосилни йиғиб олиш, чорва ҳайвонларини озиқлантириш, соғиши...) түлиқ механизациялаштириш имконини бермайды, натижада оддий жонли меңнат харажатлари ортишига сабаб бўлади.

3.2. Меңнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби.

Қишлоқ хўжалигига меңнат унумдорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Бунда натурал ва қиймат кўрсаткичлардан фойдаланилади. Натурал кўрсаткичларга вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган ялпи ҳосил ва бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори киради. Албатта, бу ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар маълум камчиликка эга. Қишлоқ хўжалигига бир ишчи ходим йил давомида турли тармоқларда, яъни пахтачиликда, дончиликда, сабзавотчилик ва бошқа тармоқда фаолият кўрсатади. Базан бир куннинг ўзида бир нечта турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этади. Бу, ўз навбатида, ишчи ходимнинг иш вақтларини у ишлаган соҳаларга тақсимлаш муаммосини туғдиради. Албатта, иқтисодчилар томонидан меңнат сарфларини маҳсулотларга тақсимлаш усуслари ишлаб чиқилган. Шунга қарамасдан меңнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари ҳақиқий ҳолатни жуда аниқ белгилай олмайди. Шу сабабли меңнат унумдорлигининг қиймат кўрсаткичларидан кенгрок фойдаланилади.

Бир ишчи ходим ҳисобига бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори. Бу кўрсаткич меңнат унумдорлигининг энг асосий қўрсаткичларидан биридир. Бу, йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ишчи ходимларнинг ўртача йиллик сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткич сарфланган меңнатга нисбатан ҳам ҳисобланади. Бунда ялпи маҳсулот уни ишлаб чиқарилган вақт, киши-соатларига бўлиш йўли билан

аниқланади. Мехнат унумдорлигини киши-соатлари бўйича аниқлангани аникроқ ва тўғрироқ ҳисобланади. Чунки ходимларнинг ўртача йиллик сони ҳақиқатда сарфланган меҳнатни киши соатлариdek аниқ белгиламайди. Бир кишининг 280 ёки 260 кун ишга чиққани унинг ҳақиқатда ҳар куни неча соат ишлаганини билдирамайди.

Мехнат унумдорлигининг бу кўрсаткичларини ҳисоблаганда ялпи маҳсулотни ҳисоблаш усуслари ҳам катта аҳамиятга эга. Амалда ялпи маҳсулот жорий ва солиштирма нархларда ҳисобланади. Узок даврларга меҳнат унумдорлигининг динамикасини кўргандা солиштирма баҳоларда ҳисобланган ялпи маҳсулотни олиш талаб қилинади. Бу кўрсаткичларнинг йилдан - йилга ошгани ижобий ҳисобланади. 1 ёки 100 ёки 1000 сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт меҳнат унумдорлигининг иккинчи иқтисодий кўрсаткичидир. Сарфланган меҳнат киши- соатларида ўлчанади. Бу кўрсаткич йилдан-йилга камайиб боргани яхши. Яъни бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган киши - соатлари миқдори камайиб бориши зарур. Бу иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Мехнат унумдорлиги деганда инсоннинг мақсад йўлидаги фаолият самараси тушунилади. Ҳар бир ходимнинг, чунончи, тракторчи, сигир соғувчи, ипак қурти боқувчи ва бошқа шахсларнинг вақт бирлиги ичida яратган маҳсулотлари миқдори, яъни меҳнатнинг самараси, натижаси меҳнат унумдорлиги дейилади. Ҳар бир ходимнинг фаолиятида сарфланган меҳнат тегишли иш вақти, чунончи, нафар-куни, нафар-соати билан аниқланади. Шунингдек, бу вақт бирлигига етиштирилган маҳсулотлар (ғалла, сут, пахта в.х.) миқдори эса килограм-М, центнер, т. ўлчовида ифодаланади.

Умуман олганда, меҳнат унумдорлиги даражаси етиштирилган маҳсулотни унга сарфланган вақтга тақсимлаш йўли билан аниқланади ва у қўйидаги формула билан ифодаланади;

Қишлоқ хўжалигига меҳнат унумдорлиги даражасининг кўрсаткичлари

Мехнат унумдорлигининг тўғри кўрсаткичлари:

$M_y = \frac{M}{T}$, бу ерда: M – етиштирилган маҳсулот ҳажми (натура ёки қиймат

кўриниши); T – маҳсулот етиштиришга кетган меҳнат сарфи (киши-соатлари, ўтча йиллик ходимлар сони).

Меҳнат унумдорлигини тескари усулда кўрсатиш

$t = \frac{T}{M}$, бу ерда: T – маҳсулот етиштиришга кетган меҳнат сарфи, киши-

соатда; M –етиштирилган маҳсулотнинг натура ҳолидаги ҳажми (ц, т, дона).

Меҳнат унумдорлигининг тўлиқ бўлмаган кўрсаткичлари:

- бирлик вақт (1 соатда га, 1 соатда т) ичида бажарилган иш ҳажми;
- 1 га қишлоқ хўжалик экин майдонини ишлашган кетган меҳнат сарфлари (киши-соат);
- 1 бош чорвага хизмат қилиш учун кетган меҳнат сарфлари (киши-соат);
- чорвачиликда айрим амалларни бажариш учун сарфланган меҳнат ва х.к.

Одатда, вақт бирлиги ичида қанча кўп маҳсулот етиштирилса ёки маҳсулот бирлиги учун қанча оз меҳнат сарфланса, меҳнат унумдорлиги даражаси ҳам шунча юқори, меҳнат унумдорлиги даражаси қанча юқори бўлса, жамият ҳам шунча ривожланган бўлади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши жамиятнинг тараққиёт негизи бўлиб, янги ижтимоий тузумнинг эски тузум устидан ғалаба қилиш омилидир.

Меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ўсиб бориши ғоят катта аҳамиятга эга.

Одатда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишни енгиллаштириб, жонли меҳнат сарфини камайтиради, маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, унинг таннархини арzonлаштиради ва бунинг натижасида чакана харид нархлари камайишига сабабдир.

3.3. Мехнат унумдорлиги ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу масалани ижобий хал этилиши республикани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тъминлаш мухим шартидир. Самарадорлик деганда, инсоннинг у ёки бу фаолиятининг натижаси тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошиши хўжаликнинг даромадларини кўпайтиради, иш ҳақини кўпайтириш учун қўшимча маблағ вужудга келтиради ва ахолининг ижтимоий шароитларини яхшилашга имконият яратади хар бир хўжаликдан олинадиган маҳсулот хажми ёки ялпи маҳсулот қиймати албатта ер ресурслари билан боғлиқ жараёндир. Чунки ер қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хоҳ дехқончилик маҳсулотлари бўлсин, хоҳ чорвачилик маҳсулотлари бўлсин уларни ишлаб чиқаришда ўз таъсирини 100 фоиз ўтказади десак хато қилмаймиз. Ернинг унумдорлиги қанчалик юқори бўлса шу ердан олинадиган маҳсулот хажми хам ҳосилдорлик даражаси ҳам юқори натижа бериши мумкин. Ҳосилдорлик даражаси бу бирор экин туридан олинган маҳсулот хажми (ц/га) тушуниш мумкин. Хўжаликда қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилса хўжаликда ишловчи ахолининг эҳтиёжини қондириш республика аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга эришилади.

Дехқончилик қишлоқ хўжалигининг мухим тармоғи бўлиб, у ғаллачилик, пахтачилик сабзавотчилик, полизчилик, узумчилик каби тармоқларни ўз ичига олади. Уларнинг хар бири хаёт учун зарур бўлган озиқ овқат маҳсулотлари, саноатнинг кўргина тармоқлари учун эса қимматбаҳо хомашё етказиб беради. Бу маҳсулотларга бўлган талаб қундан кунга ошиб бормоқда.

Халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун эса фермер хўжаликларини шунинг дехқончилик, чорвачилик соҳасини иқтисодий таҳлил қилиб бориш катта ахамиятга эга. Таҳлил хўжалик фаолиятини хар

томонлама ўрганишга мавжуд имкониятларни аниқлаш ва шу асосда арzon ва кўп ялпи дехқончилик махсулотларини етиштириш имкониятини яратишга олиб келади.

Хўжаликнинг дехқончилик тармоғини тахлил қилишдан асосий мақсад, ялпи махсулот етиштиришни кўпайтиришда фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш ва хисоблаб чиқиши хамда уларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишга доир аниқ таклифларни киритиш вазифаларимдан иборатdir.

3.3.1 - жадвал

Қарши тумани “Руслан” фермер хўжалигига ер ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари тахлили

%	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши
1	Ҳосилдорлик	ц/га				
-	Пахта	ц/га	24,8	29,1	23,6	95,3
-	Ғалла	ц/га	35,0	30,0	33,8	96,5
2	Ялпи ҳосил	ц				
-	Пахта	ц	750,0	756,0	755,0	100,7
-	Ғалла	ц	1050,0	960,0	811,0	77,2
3	1 га ерга сарфланган харажат	Минг сўм/га	783,9	1172,4	1340,8	171,0
-	Пахта	Минг сўм/га	735,4	1753,8	1603,5	218,0
-	ғалла	Минг сўм/га	833,0	700,0	990,4	118,9

4	1 га ердан олинган даромад	Минг сўм/га	816,9	1218,2	1412,9	173,0
-	Пахта	Минг сўм/га	801,0	1847,1	1729,7	216,0
-	ғалла	Минг сўм/га	833,0	707,3	990,4	118,9
5	1 га ердан олинган фойда	Минг сўм/га	33,0	45,8	72,1	218,8
-	Пахта	Минг сўм/га	65,5	93,3	126,2	192,5
-	ғалла	Минг сўм/га	0,0	7,3	0,0	-

Жадвал маълумотларини таҳлил қиласар эканимиз, фермер хўжалигига пахта вағалланирнг ҳосилдорлиги пасайиб борганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга озуқабоп экинларнинг ҳосилдорлиги ошиб борган. 1 гектар ерга сарфланган харажатлар ҳам 2012 йилда 2010 йилга нисбатан пахта экини бўйича 118 фоизга, ғалла бўйича – 18 фоизга ошганлигини кўришмиз мумкин. Пахта экин тури бўйича 1 гектардан олинган фойда 2012 йилда 126, 2 минг сўмни ташкил этган.

3.3.2 - жадвал

Қарши тумани “Руслан” фермер хўжалигига 1 центнер пахта ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурслар харажати

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
	Минг сўм/ц	%	Минг сўм/ц	%	Минг сўм/ц	%	+; -	%

Ишлаб чиқариш харажатлари	36,9	100,0	60,3	100,0	68,0	100,0	31,1	184,3
Уруғлик	2,9	7,8	3,4	5,7	2,8	4,2	-0,1	96,6
Үғит	6,7	18,1	18,2	30,2	13,3	19,6	6,6	198,5
ЁММ	4,6	12,4	5,7	9,5	11,0	16,2	6,4	239,1
Ишлар ва хизматлар	15,1	40,9	8,0	13,3	9,3	13,6	-5,8	61,6
Иш ҳақи	6,1	16,6	15,3	25,4	19,9	29,2	13,8	326,2
Суғурта тўловлар	1,5	4,2	3,8	6,4	5,0	7,3	3,5	333,3
умум ишлаб чиқариш харажатлари	-	-	4,8	7,9	3,7	5,5	-	-
бошқа харажатлар	-	-	1,0	1,6	3,0	4,4	-	-

3.3.2- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигига 1 ц пахта ишлаб чиқариш учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари ошиб борган ва 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 84,3 фоизга ошган. Шундан ўғит харажатлари 98,5 фоизга, ЁММ харажатлари 139,1 фоизга, иш ҳақи харажатлари 226,2 фоизга ва суғурта тўловлари 233,3 фоизга ошган.

3.3.3- жадвал

Қарши тумани “Руслан” фермер хўжалигига 1 центнер ғалла ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурслар харажати

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
	Минг	%	Минг	%	Минг	%	++; -	%

	сўм/ц		сўм/ц		сўм/ц			
Ишлаб чиқариш харажатлари	23,8	100	23,7	100	29,3	100	5,5	123,1
Уруғлик	2,4	10,2	4	16,9	6,5	22,2	4,1	270,8
Ўғит	3,8	15,9	6,8	28,8	8,1	27,8	4,3	213,2
ЁММ	2,9	12,3	3,8	16,1	6,4	21,9	3,5	220,7
Ишлар ва хизматлар	7,7	32,3	3,5	14,7	3,7	12,6	-4	48,1
Иш ҳақи	2,5	10,4	2,1	8,9	2,5	8,4	0	100,0
Суғурта тўловлар	0,6	2,5	0,5	2,2	0,6	2,1	0	100,0
умум ишлаб чиқариш харажатлари	1,4	6	0	0	1,4	4,6	0	100,0
бошқа харажатлар	2,5	10,4	2,9	12,3	0,1	0,4	-2,4	4,0

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 1 ц ғалла ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 23,1 фоизга, шу жумладан уруғлик 170,8 %, ўғит – 113,2 %, ЁММ – 120,7 % га ошган.

3.4. Мехнат унумдорлигини яхшилаш ва юксалтириш йўллари.

Республика қишлоқ хўжалигидаги мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида уларнинг меҳнатлари унумдорлигини келажакда юксалтириш энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Уни муваффақиятли ҳал этиш кенг миқёсда ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Даставвал қишлоқ ҳудудларида, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг реал миқдорини

аниқлаш лозим. Шу билан бирга аҳолининг мутлақ (абсолют) ўсишини эътиборга олган ҳолда меҳнат ресурсларининг кўпайиш ёки камайиш жараёнини аниқлаш керак. Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган аҳолининг ҳаракатини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Шундан сўнг қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган иш жойларининг ҳозирги ҳамда истиқболдаги сонини реал аниқлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Шуларга асосланган ҳолда меҳнат баланси ишлаб чиқилиши зарур.

Юқоридагиларга асосланиб, меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланганлик даражас, шу орқали қишлоқ ҳудудларида (корхоналарда, тармоқларда) мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланганлик даражаси аниқланади. Унинг даражаси бирга яқин бўлса яхши, Акс ҳолда меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш чора-тадбирлари асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик ичida янги иш жойларини ташкил этиш имкониятларини режалаштиради. Янги ерларни ўзлаштириш, қурилишни, таъмирлашни, маҳсулотларни қайта ишлашни (ўсимчилик, чорвачилик), халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни белгилаб, уларнинг ҳал этилишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Бу масалалар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилишини ҳам эътиборга олиш лозим.



Иктисодий вазифалар:

- 1) ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- 2) рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш учун шароитлар яратиш;
- 3) меҳнат унумдорлигини ошиши;
- 4) фойданинг кўпайиши;
- 5) жонли меҳнатдан фойдаланишни яхшилаш
- 6) ишлаб чиқаришнинг буюми элементларидан фойдаланишни яхшилаш

Руҳий физиологик вазифалар:

- 1) қулай меҳнат шароитларини яратиш;
- 2) инсоннинг саломатлигини сақлаш;
- 3) инсоннинг иш қобилияти сақланишига кўмаклашиш;
- 4) меҳнатнинг меъёрдаги интенсивлиги ўрнатилишига кўмаклашиш ва хоказо;

Ижтимоий вазифалар:


- 1) меҳнатнинг мазмундорлиги ва қизиқарлилигини ошириш;
- 2) ижодий меҳнатни ривожлантириш учун шароит яратиш;
- 3) ишчи кучини тиклаш учун шароит яратишга кўмаклашиш ва хоказо;

3.4.1 – расм. Ходимлар фаолиятини ташкилий таъминлаш вазифалари

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ривожлантириш мақсадида уларни такрор ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни малакаларини ошириш, тайёrlаш ва қайта тайёrlаш тадбирларини ҳам белгилаб олиб, амалга оширилишига эътибор бериш зарур.

Корхоналарда меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар меҳнат унумдорлиги даражасини юксалтиришга ҳозирги даврда алоҳида эътибор бериш лозим. Бу масаланинг ҳал этилишида энг таъсирчан омил моддий манфаатдорлик ҳисобланади. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида ким яхши, сифатли ишласа, кўп ҳақ олади. Шундай экан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам яхши, самарали меҳнат қилаётган ишчи-хизматчи меҳнатига яраша кўпроқ ҳақ олиши лозим. Шунда у рағбатлантирилган ҳисобланади. Шу билан бирга меҳнаткашларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришни амалга оширишни таъминлаш керак. Энг аввало, меҳнатлари натижаларини эътиборга олган ҳолда мукофотлаш, турли хилдаги унвонларни бериш лозим. Бу унвонлар ҳам маълум даражада фуқароларни маблағлар билан таъминлайди. Жумладан, Республикада хизмат кўрсатган иктисодчи, агроном, ирригатор унволарини олганларнинг асосий иш ҳақларига энг кам ойликнинг 60 фоизи микдорида устама берилади. Демак, маънавий рағбатлантириш ҳам айrim ҳолларда моддийлашади.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат жараёнларини механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида сарфланаётган меҳнатнинг унумдорлиги ошишини таъминлаш мумкин. Бунинг учун хўжаликлар ихтиёридаги барча машиналар, тракторларнинг ишга яроқлилигини ошириш ҳамда улардан йил давомида тўлиқ фойдаланишга эришиш тадбирларини шакллантириш лозим. Энг аввало, уларни малакали кадрлар, таъмирлаш устахоналари билан таъминлаш керак. Хўжаликларнинг ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлигини ҳам талаб даражасига етказиш зарур. Бунинг учун эса молиявий ресурслар билан таъминлаш чораларини аниқлаб, уларнинг бажарилишини таъминлаш керак.



3.4.2 – расм. Аҳолини иш билан бандлик даражасини яхшилашнинг йўналишлари

Демак, қишлоқ хўжалигига меҳнат ресурсларидан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг меҳнатлари унумдорлигини ошириш

учун қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

- тармоқнинг ривожланишини эътиборга олган ҳолда қўшимча иш жойларини ташкил этиш;
- тармоқнинг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини юксалтириш;
- қишлоқ хўжалигига янги техникаларни, самарали технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш;
- қишлоқда тадбиркорлик шаклларини ривожлантириш;
- қишлоқда ишлаш ва яшаш учун барча шароитларни яратиш;
- меҳнатни ташкил этишнинг самарали турларини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- кадрларни тайёрлаш, малакаларини ошириш, уларни моддий, маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш ва бошқалар.

Бу каби чора-тадбирларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этилиши тармоқдаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаб, меҳнат унумдорлиги ошишига ижобий таъсир этади.

Ишлаб чиқариш тажрибаси шуни кўрсатадики ялпи маҳсулотни кўпайтириш меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқдир.

3.5. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг меҳнат ресурсларидан фойдаланишга таъсири

Фан-техника таррақий этгани сари ишчи кучларини ҳам интенсивлаштириш талаб қилинади. Бу эса ишчилар ўз касбини янада такоминлаштиришини, малакасини оширишини тақозо этади. Жисмоний меҳнат самарадорлигини ошириш меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришни шарт қилиб қўяди.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш омилларига қуидагилар киради: ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш воситалари ўртасидаги муносабатларнинг тўғри белгиланиши; меҳнат кучларидан тўғри фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат таъминоти ва кооперациясини тўғри жорий этиш.

Шунингдек, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда аҳолининг урф-одатлари, демографик шароитлар ҳам маълум аҳамиятга эга.

Бу жараёнда булардан ташқари, бошқарув тизими니 такомиллаштириб бориш, хўжалик ҳисобини юритиш ҳамда ижтимоий-иктисодий шароитларни тўғри ташкил этиш, табиий-иктисодий шароитлар ҳисобга олиниши керак.

Фан-техника тараққиёти, хўжалик ҳисобини жорий этиш, рағбатлантиришни тўғри йўлга қўйиш, ижтимоий-иктисодий муносабатларни яхшилаш, шунингдек, меҳнатни ташкил этиш шакллари, бошқарув самарадорлиги, иктисодий омиллар, таннарх, рентабеллик меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилишига боғлиқ.

Бозор иктисодиётига ўтиш даврида ҳеч қандай давлатнинг тажрибаси андоза сифатида қабул қилинмайди. Ўзбекистон Республикасида бандликни ифода этиш бир неча хусусиятларга эга. Бунда, авало, аҳолининг тез суръатлар билан ўсиб бориш даражасини ҳисобга олиш даркор.

Агар ривожланган капиталистик мамлакатларда бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ресурсларининг 2-5 фоизи банд бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 75-80 фоизни ташкил этади.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда аҳолининг ўртacha йиллик ўсиши 0,7 фоизга, Ўзбекистон Республикасида эса 2,5 фоизга тенг.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда меҳнат ресурслари асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни сақлаш билан боғлиқ бўлган соҳаларга жалб этилган. Ўзбекистонда эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ресурсларининг 78,2 фоизи, қайта ишлаш ва ижтимоий инфратузилмада мос равишда 14,6 ва 7,2 фоизи банд.

Ривожланган капиталистик мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ресурсларининг 2,4-5,3 фоизи, қайта ишлаш ва ижтимоий инфратузилмада 27,4-69,6 фоизи машғул (3.5.2-жадвал).

3.5.2-жадвал

Ўзбекистон ва ривожланган капиталистик мамлакатлар қишлоқ хўжалигига меҳнат ресурслари бандлиги

Ишлаб чиқариш тармоғи	Ўзбекистон	Германия	Буюк Британия	АҚШ
Қишлоқ хўжалиги, фоиз	78,2	5,3	2,4	3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, фоиз	7,2	41,5	30,2	27,4
Ижтимоий инфратузилма, фоиз	14,6	54,2	67,4	69,6
Жами, фоиз	100	100	100	100

Демак, мамлакатимизда ҳам меҳнат ресурсларини қайта ишлаш ва ижтимоий инфратузилмага мумкин қадар кўпроқ жалб этиш улардан самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Етарли малакага эга бўлмаган меҳнат ресурсларининг катта қисмини аёллар ташкил этади. Уларнинг меҳнат билан бандлик даражаси 42 фоиз. Ишдан бўшатиш зарурати туғилса, биринчи номзод аёллар ҳисобланади. Шу сабабли қишлоқларда аёллардан ташкил топган меҳнат ресурсларига талаб эркак меҳнат ресурсларига бўлган талабга нисбатан анча паст.

Меҳнат ресурслари табиий сабабларга асосан доимо ҳаракатда бўлишади. Биологик қонуниятга кўра, инсон ўсиб-улғаяди, балоғат ёшига етганда ишлайди, кексайганда ишдан бўшайди.

Хар бир инсоннинг меҳнат даври: максимал, потенциал ва реал имконияти даврларидан иборат.

Энг юқори ва энг паст чегара ўртасидаги тафовут меҳнат қилиш қобилиягининг максимал даври деб аталади. Меҳнат ресурсларининг ижтимоий ҳаракати деб, уларнинг бир тармоқдан иккинчи тармоққа ўтиши (масалан, дехқончилик тармоғидан саноат ёки қурилиш тармоғига ўтиш) тушунилади.

Меҳнат ресурсларининг худудий ҳаракатига уларнинг шаҳардаги муайян соҳадан қишлоқ хўжалиги соҳасига ўтиб ишлиши мисол бўла олади.

Жамоа ишлаб чиқаришида меҳнат билан банд бўлмаганлар сони ахолининг 18-24 ёшдаги қисми ўртасида 38, 30-59 ёшдаги қисми орасида 25 фоизни ташкил этади.

18-35 ёшдаги аёлларнинг кўпчилиги бола боқиш, уй-рўзғор ишлари билан бандлиги сабабли касб-ихтисосга эга бўлмаганлар қаторига киради. «Бандлик тўғрисида»ги янги қонунга асосан бола тарбияси билан банд бўлган аёллар меҳнат билан банд ишчилар тоифасига киритилган.

Иш жойи қидириб юрганлар ва иш жойи билан таъминланмаганлар ўртасидаги тафовут 4-5 маротаба юқори. Ёшлар мактабни тугатиб, ўқишига киролмаслиги ёки ишга жойлаша олмаслигининг ўзи катта муаммо. Бу ичкиликбозлик, гиёхвандлик, ўғрилик, жиноий ишларда қатнашиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон ҳукумати академик-лицей, касб-хунар коллежи каби ўқув юртларини кўпайтириш орқали бу муаммони ҳал этиш йўлидан бормоқда

Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиши, миллий даромаднинг камайиши, валюта берувчи экспортнинг қисқариши, хўжалик муносабатларининг бузилиши меҳнат билан бандлик даражасига салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли ҳозирги даврда меҳнат ресурсларидан фойдаланишга қуидаги талаблар қўйилади:

1. Ҳар бир фуқарога касби ва ихтисоси бўйича меҳнат қилиш имконини бериш.
2. Иш қидирувчи ва иш жойи билан таъминловчи ўртасида алоқани яхшилаш.
3. Меҳнат ресурсларининг реал ва потенциал имкониятини ҳар томонлама аниқлаш.
4. Меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш.

5. Мехнат ресурсларига Республика ва маҳалий меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни доимо истиқболга мўлжаллаб ҳисоб-китоб қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида» ги Қонунида қайд этилганидек, ҳар бир фуқаро соғдиллик билан меҳнат қилиш хуқуқига эга. Бундан мақсад меҳнат унумдорлигини оширишдан иборат.

Меҳнатни тўғри ташкил этиш ва иш унумдорлигини оширишда меҳнат нормалари алоҳид аҳамият касб этади. Меҳнат нормалари ёрдамида барча иш турининг ҳажми аниқлаб берилади.

Асосланган меҳнат нормаси ёрдамида технологик картани тузиш учун талаб этиладиган норма, сменалар, ҳақ тўлаш фонди, бизнес режа ва меҳнат ресурсларига бўлган талаб аниқлаб олинади. «Норма» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, бир неча маънога эга. Масалан, одоб-ахлоқ нормаси, ҳуқуқ нормаси, рентабеллик нормаси. Қўлланилиш йўналишидан қатъи назар, норма деганда, илгаридан белгиланиб қўйилган ўлчов, меъёр англашилади.

Юқорида айтиб ўтилгани каби меҳнат ҳам нормалаштирилади.

Меҳнат нормаси вақт ёки бажарилган иш ҳажми билан ўлчанади, соат, минут, секунд ва иш куни ҳисобида ёки иш бирлиги ўлчовида юритилади.

Истиқбол режасини тузишда, ишчи кучларига бўлган талабни аниқлаш ҳамда уларни жой-жойига қўйиб ишлатиш, ҳақ тўлаш меҳнат нормалари ёрдамида жорий этилади. Меҳнат нормалари доимо белгилангандаражасида қолавермайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, қишлоқ хўжалигида моддий-техника базасининг ўсиши ҳамда мустаҳкамланиши, фан-техника тараққиёти меҳнат нормалари ҳам ўсиб боришини талаб этади.

Меҳнат нормалари илмий асосланган бўлиши, ишчининг меҳнатига яраша ҳақ тўланишини таъминлайдиган даражада белгиланиши керак. Агар меҳнат нормалари илмий асосланмасдан паст белгиланганд бўлса, унда ишчига бажарган иши учун юқори даражада ҳақ тўланади, бу эса иш ҳақи фондининг нотўғри сарфланишига олиб келади. Оқибатда маҳсулот етиштириш учун қилинган чиқимлар микдори ошиб, маҳсулот таннархи қимматлашади,

рентабеллик пасаяди. Бордию меҳнат нормалари асоссиз юқори даражада белгиланса, унда энг илғор ишчининг ҳам, меҳнат нормасини бажара олишига бўлган ишончи йўқолади, барча ишчилар нормани бажариш учун интилиб, шошма-шошарлик билан пала-партиш иш тутиши натижасида иш сифати ёмонлашади, умумий меҳнат унимдорлиги пасаяди.

Шунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналарида моддий-техника базасининг ўзгариши, унга мос тарзда меҳнат нормаларининг ҳам прогрессив равишда ўзгариб боришини талаб этилади.

Агар сут соғувчи сигирларнинг сут маҳсулдорлигига қараб, қўлда 10-20 бош сигирни соғиб улгурса, сут соғиш аппаратлари ёрдамида 30-40 бош сигирни соғишига улгуради. Бордию соғим механизация ёрдамида амалга оширилса, унда битта сут соғувчи бир сменада 150-200 бош сигирни соға олади.

1995 йилдан бошлаб «Кейс» русумли пахта терими машинаси ёрдамида ҳар сменада 20-25 тонна пахта хом ашёси териб олинмоқда. Демак, машиналарнинг унумига қараб, меҳнат нормалари ҳам табақалашган ҳолда жорий этилиши лозим.

«Техник нормалаш» фани ўз олдига қўйидаги масалаларни қўяди:

1. Нормалаштириш зарур бўлган ҳар бир меҳнат жараёнининг табиий ҳамда ташкилий-техникавий шароитларини синчиклаб ўрганиб чиқиши.
2. Ишчининг иш вақтидан фойдаланиш даражасини ўрганиб чиқиши.
3. Меҳнатни нормалаштиришни оқилона ташкил этиш лойихасини тузиш.
4. Меҳнат воситаси, вақт ҳамда моддий сарфларни илмий асослаган нармативларини ишлаб чиқиши.
5. Ҳақ тўлашни тўғри ташкил этишнинг аҳамиятини кўзда тутиб, меҳнат ҳақи фондларини тўғри сарфлаш устидан назорат олиб бориш.
6. Илғор ишчиларнинг иш услуби кенг ёйилишини янада такомилаштиришга ёрдам бериш.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш хусусиятларига қараб, меҳнат нормаларининг қўйидаги турлари қўлланилади:

- ишлаб чиқариш нормаси (норма вўработки);
- вақт нормаси;
- чорва молларига хизмат қилиш нормаси.

Ишлаб чиқариш нормаси маълум вақт давомида (смена, соат, минутда) етиштирилган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган иш ҳажмини ифодалайди. У тонна, км, центнер, гектар каби бирликларда ўлчанади.

Вақт нормаси етиштириладиган маҳсулот ёки бажариладиган иш бирлиги учун сарфланадиган вақт миқдорини билдиради. У соат, минут ва секундлар билан ўлчанади.

Чорва молларига хизмат қилиш ёки ҳар бир чорвадор ходимга неча бош мол бириктириш нормаси деганда, молларнинг зотига, маҳсулдорлигига, чорвачилик фермаларининг шароитларига қараб мол боқувчиларга неча бош мол бириктириш лозимлигини кўрсатувчи меъёр тушунилади. Норма шароитга ва иш нима ёрдамида (кўлда, механизмларда...) бажарилишига кўра ўзгаради.

Меҳнат нормаси асосан бир сменада бажариладиган иш турига мўлжаланган бўлиб, шу даврда бажариладиган ишларнинг ҳар хил бўлишига кўра, кубометр, погонметр, га, км, тонна бирлигida ифодаланиши мумкин.

Меҳнат нормативлари деганда эса, алоҳида амал(операция)ларни бажариш учун белгиланадиган норма бирлиги тушунилади.

Масалан, агар экиш жараёни учун смена нормаси битта экиш агрегати бир смена давомида неча гектар ерга уруғ экиш имкониятига эга эканлигини билдирса, экиш жараёнида айрим амал(операция)ларни бажариш учун сарф этиладиган ўлчови норматив деб аталади.

Меҳнат нормаларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хўжаликнинг табиий-иктисодий шароитини ўрганиб чиқиш;
- меҳнат унумдорлигини оширишга ҳамкорлик қилиш;
- ҳақ тўлаш фондини белгилашга имконият туғдириш.

Меҳнат нормалари қуйидаги принцип ва усуслар асосида жорий этилади:

- нормаларнинг илмий асосланганлик принципи;
- меҳнат предмети, меҳнат воситасини диалектив биргаликда кўриш.

Мәхнат нормалари усуллари:

- жамлаш усули;
- техник нормалаш усули.

Мәхнатни нормалаш мұраккаб жараён эканлиги сабабли нормаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун маълум билим ва маълумотларга эга бўлиш талаб этилади. Мәхнатни нормалаш ишларини уюштиришда жуда кўп мұраккаб ҳамда махсус асбоб-ускуналардан фойдаланишга тўғри келади. Ҳар бир мәхнат жараёни чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиб борилади. Шу боисдан ҳам 1961 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик корхоналарида мәхнат нормаларини илмий асосда белгилаш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида республика норматив станцияси ва ҳар бир вилоятда норматив пункти фаолият кўрсатмоқда.

Норматив станцияларида агрономлар, дехқончилик, боғдорчилик ишларини амалга оширувчи турли мутахассислар бир неча гурӯхга бўлинган ҳолда фаолият кўрсатади. Чунончи, зоотехник, ветеринар врачлар чорвачилик бўйича ишларни, муҳандис-техник ходимлар механизация ёрдами билан бажариладиган ишларни нормалашда катнашадилар. Қишлоқ хўжалигида мәхнатни ташкил этиш шакллари ўзгариб, ширкат, фермер, дехқон хўжаликлари вужудга келгач, уларда жорий этилдиган мәхнат нормалари аввалгиға нисбатан бир оз ўзгаради. Чунки, мәхнат нормасини белгилаш учун жамоа мәхнати обьекти ҳисобланади ва бунда бир-бири билан боғлиқ бўлган иш турлари ўрганиб чиқилади.

Шу тариқа экишдан аввал экиш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари учун комплекс нормалар ишлаб чиқилади.

Хўжаликда жорий этилган мәхнат нормаларини бажариш даражаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Y_{\text{урт}} = \frac{Y_1 * O_1 + Y_2 * O_2 + \dots + Y_n * O_n}{O_1 + O_2 + \dots + O_n}$$

Бу ерда: Y_1, Y_2, Y_3 – айрим иш турлари учун белгиланган мәхнат нормаларини бажариш даражаси, %;

O_1 , O_2 , O_3 – техника нормалари бўйича белгиланадиган норма даражаси, %;

Агар белгиланган норма 90 фоиз ёки 110 фоизга бажарилса, унда қайтадан ҳисоб-китоб қилишга тўғри келади.

Масалан:

$$Y_1 - 100\text{фоиз} \quad O_1 - 18$$

$$Y_2 - 100\text{фоиз} \quad O_2 - 55$$

$$Y_3 - 100\text{фоиз} \quad O_3 - 83$$

$$Y_{ypr} = \frac{100 * 18 + 100 * 55 + 100 * 83}{18 + 55 + 83} = 100\%$$

Демак, 100 фоиз бўлганда нормалар тўғри белгиланганлиги ҳақида маълумот олдик.

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янадаяхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги қунда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуидагилардан иборат:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касб-хунарларга ўргатиши.

2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгаришиш ва диверсификация масалаларига эътиборни қучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутади.

Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иктисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб этади Бугунги кунда дехқон хўжаликларини ташкил этишда қатор ютуқларга эришилмоқда ва уларни қуидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- хўжаликни ташкил этишининг ихчамлиги ва уларнинг бозор муҳитига тезда мослашувчанлиги;
- хўжалик аъзоларининг маълум бир оиласига мансублиги;
- оила маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;
- меҳнатни ташкил қилиш ва хўжаликни бошқаришдаги қулайликлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, дехқон хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 фоизга ортган.

Шундай қилиб, мамлакатда амалга оширилаётган оқилона иктисодий сиёсат туфайли бандликнинг касаначилик, оиласий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик каби аҳолининг тадбиркорлик қобилияти ва бунёдкорлик меҳнати салоҳиятини намоён қилишга кўмаклашувчи самарали шакллари ривожланди.

Давлат иш билан таъминлашга муҳтоҷ бўлган аҳолига қуидагиларни кафолатлади:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда, моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;

мехнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равища бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш Шу ўринда айтиш жоизки, 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг қуидаги асосий йўналишлари бўйича комплекс чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиши тасдиқланган прогноз параметрларни бажаришга имкон берди:

а) 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг тармоқ дастурлари, 2011 йилги Инвестиция дастури, 2011-2013 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури, ижтимоий-иқтисодий ва индустрисиал ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 48,9 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Ташкил этилган корхоналар ва иш ўринларининг асосий қисми енгил, тўқимачилик, автомобиль, кон-металлургия, нефть ва газ ҳамда кимё саноати тармоқларига тўғри келди. 2011 йилда мамлакат бўйича 828 та ишлаб чиқариш обьекти, шу жумладан озиқ-овқат саноатда (279 та), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида (234 та), енгил саноатда (201 та), ёғочни қайта ишлаш саноатида (36 та), машинасозликда (12 та), кимё (8 та), фармацевтика (3 та) саноатида ва бошқа саноат тармоқларида (55 та) ишга туширилди.

б) «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурлари чора-тадбирларини амалга ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, айниқса кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари бериш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш, кредитлашни ва моддий хомашё ресурсларини олиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобидан кичик бизнесда (кичик корхоналар ва микрофирмалар) 296,1 мингта, хусусий тадбиркорликда 89,7 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Кредит билан қўллаб-куватлашнинг кенгайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг иш ўринлари ташкил этиш бўйича молиявий имкониятларини анча кенгайтириш имконини берди. Чунончи, тижорат банклари томонидан

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 3,1 триллион **сўмни**, шу жумладан, имтиёзли микрокредитлар 613,3 миллиард сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар кўп. Бунда 20,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар меҳнат ресурслари ортиқча бўлган худудлардаги тадбиркорларга, 251,9 миллиард сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 20,3 миллиард сўм ўзининг тадбиркорлик ишини ташкил этиш учун касб-хунар коллежларининг битирувчиларига берилди.

в) касаначилик меҳнатини ривожлантириш бўйича қатор каттагина имтиёз ва преференциялар, шу жумладан, касаначиларга буюртмаларни, ускуналарни, хом ашёни, асбоб ва жиҳозларни имтиёзли равишда бериш шартларини, касаначининг уйдаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартибини, корхоналарни касаначиларга тўланадиган маблағ миқдорида иш ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўловдан озод этишни кўзда тутадиган ҳукуқий ва норматив база яратилгани касаначиликнинг барча турларини ривожлантириши ҳисобидан 191,9 мингта иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Ўтган даврда касаначилар билан ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларига саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳасидаги 5,4 мингдан ортиқ корхона жалб этилган бўлиб, уларда касаначилар билан кооперация асосида меҳнат шартномалари бўйича 55,8 минг кишининг бандлиги таъминланди.

Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари 136,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаш имконини берди.

г) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурини амалга ошириш, фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш 120,8 мингта иш ўрни, шу жумладан, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликка ихтисослашган хўжаликларда 35,4 мингта, боғдорчиликда ва иссиқхона хўжаликларида 37,8 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Фермер хўжаликларида мева-сабзавот ҳамда гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашни ташкил этиш, 56,4 минг тонна сифимга эга бўлган 55 та совутиш камерасини қуриш ва реконструкция қилиш 19,7 минг кишини меҳнат фаолиятига жалб этиш имконини берди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш **бўйича** ихтисослаштирилган дехқон хўжаликлари сонининг кўпайиши 27,9 мингта иш ўрни ташкил этишга ёрдам берди.

д) 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги дастурни, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш 59,7 мингта иш ўрни яратишга олиб келди. Шундан 20,2 мингта иш ўрни автомобиль ва темир йўл, газ ва сув қувурларини ўтказиш ҳамда реконструкция қилиш объектларида, коммунал хўжалигининг бошқа объектларида, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, шунингдек Ўзбек миллий автомагистрали йўл бўйи инфратузилмасини ва сервис объектларини ривожлантириш ишлари ҳисобидан ташкил этилди. Ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларининг қурилиши ва ишга туширилиши 39,5 мингта иш ўрни яратилишини таъминлади.

е) Ишламаётган корхоналарнинг, шу жумладан, тижорат банклари балансларига олинган банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш 8,3 мингта иш ўринини қайта тиклашга имкон берди.

Хусусан, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари балансларига жами 163 та банкрот корхона қабул қилинган бўлиб, улардан 92 таси янги мулкдорларга реализация қилинган, 54 тасида таъмирлаш-тиклаш ишлари давом этмоқда, 12 тасида эса модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш амалга оширилмоқда. Бунда 54 та корхона негизида бирлаштириш ва қайта ташкил этиш йўли билан 45 та янги корхона ташкил этилди.

Республика ҳудудларида иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш худудий дастурларининг амалга оширилиши иш билан банд бўлиш эҳтиёжи юқори даражада бўлган худудларда, чунончи, Самарқанд (78,3 минг), Фарғона (77,8 минг), Андижон (75,2 минг), Қашқадарё (72,6 минг), Тошкент (70,4 минг), Бухоро (59,9 минг) ва Наманган (59,4 минг) вилоятларида иш ўринларини кўпайтиришга ёрдам берди.

Мехнат ресурслари ортиқча бўлган 32 та туман ва шаҳарда аҳоли бандлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди, уларда 118,3 мингта ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан **4,2** фоиз кўп иш ўрни ташкил этилди.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида**2011** йилда бўш турган ва янги ташкил этилган иш ўринларига **487,3** минг киши ишга жойлаштирилди, улардан**215,7** минг нафари аёллар, **347** минг нафари қишлоқ туманларида яшовчилардир. Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан ишга жойлаштирилганларнинг кўпчилигини биринчи марта иш қидираётганлар, шунингдек, ўз хоҳишига кўра ва корхоналар қайта ташкил қилиниши ҳамда тугатилиши муносабати билан ишдан бўшаганлар- **241,9** минг киши, касбий маълумотга эга бўлган шахслар - **214,9** минг киши,**30** ёшгача бўлган ёшлар - **262,1** минг киши ташкил этади.

Хуроса қилиб айтганда, мамлакатимизда худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган иш ўринлари сони кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

3.6. Мамлакатни модернизациялаш шаротида қишлоқ жойларда меҳнат бозорини ривожлантириш йўллари

Қишлоқ жойларида аҳоли табиий ўсишининг ортиши, ишсизликнинг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, қишлоқ хўжалигига кўп мулкчиликнинг вужудга келиши «Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини ошириш концепцияси»ни ишлаб чиқишини тақозо этмоқда (3.6.1-расм).

Фикримизча, ушбу концепция иккита мақсадни ўз ичига олиши лозим. Биринчидан, ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш ва ушбу мақсадга эришиш учун қуидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминловчи, ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга соловчи маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;
- маҳаллий ходимлар малакасини, рақобатбардошлигини ошириш, хорижга малакасини ошириш учун юбориш ва уларда янги иқтисодий тафакурни шакллантириш;
- ишчи кучи таклифи худудий тақсимланишининг минтақавий иқтисодиёт самарадорлиги оширилиши бўйича рағбатлантириш.

Иккинчи мақсад қишлоқ хўжалик корхоналарида ортиқча бўлган меҳнат ресурсларини босқичма-босқич ишдан бўшатиш ва бошқа тармоқларга йўналтириш қуидагиларни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг меъёр даражасини аниқлаш;
- меҳнат ресурсларини қишлоқ хўжалик корхоналаридан босқичма-босқич бўшатиш моделини тузиш ва амалга ошириш, яъни тармоқлараро меҳнат тақсимоти ҳисобга олинган ҳолда, ҳар бир ҳудуд бўйича пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик соҳаларида, мева, узум ва картошка етиштиришда талаб қилинадиган оқилона бандлик даражасидаги меҳнат ресурсларини аниқлаш ва ортиқчасини қисқартириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида меъёр даражасида қолган ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар бериш (меҳнатни суғурталаш, дотация ажратиш).

Бандлик ва меҳнат бозорининг ҳолати, унинг истиқбол қўрсаткичлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омилларидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади. Меҳнат бозори ривожланиши ва аҳолининг бандлик даражаси иқтисодиётда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг самарадорлик

даражасини белгилаб беради. Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган чора-тадбирлар асосан, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга, шу жумладан, аҳолининг бандлик даражасини оширишга қаратилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш қишлоқ меҳнат бозорини ривожланишига ва қишлоқ аҳолиси бандлик даражасини оширишга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодиёт ривожланиши ва унда содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар қишлоқ меҳнат бозори ва аҳоли бандлик даражаси шаклланишининг узоқ муддатга таъсир этувчи омиллари ҳисобланади.



3.6.1-расм. «Кишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш концепцияси»ни амалга ошириш механизми

Мамлакат иқтисодиёти реал сектори ва ижтимоий соҳа тармоқларининг умумиқтисодий кўрсаткичлари, макроиқтисодий шароитдан келиб чиқкан

ҳолда, меҳнат бозорини ривожлантириш орқали аҳолининг бандлик даражасини башорат қилиш асосида уларнинг ривожланиш истиқбол кўрсаткичлари ҳисобланди. Истиқбол кўрсаткичларни башорат қилиш иккита вариантда олиб борилди (3.6.1 - жадвал). Биринчи вариант, бу - инерцион вариант бўлиб, бунда истиқбол кўрсаткичлар меҳнат ресурсларининг ҳар 1000 киши ҳисобига бандлик даражасининг охириги 5 йил давомидаги кўрсаткичларини йилма-йил ошишини ўртacha коэффициентидан келиб чиқиб ҳисобланди.

3.6.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг тармоқлараро бандлик даражасини 2015 йилга бўлган башорат кўрсаткичлари

Тармоқлар	ЙИЛЛАР							
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2015	
							1в.	2в.
Жами бандлар сони	9910,6	10196,3	10467	10735	11035,3	11328,1	12087,5	13074,4
Шу жумладан:								
- саноатда	1283,9	1347,5	1402	1446	1487	1472,7	1854	2023
- қурилишда	808,1	848,5	877	910	944	1019,5	1148	1283
- қишлоқ хўжалигига	3042,5	2969,5	2936	2998	3036	3058,6	2856	2800
- савдо, сақлаш, умумий овқатланиш	857,6	903,9	977	1055	1136	1132,8	1195	1324
- алоқа ва транспорт	461,0	488,1	507	528	550	566,4	551,3	561,8
- уй-жой-комунал хўжалиги ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш	301,1	316,4	331	346	363	339,8	415	468
- соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот	689,0	735,5	768	801	841	906,2	916	1126
- таълим, маданият, амалий	1321,0	1385,1	1435	1482	1533	1585,9	1738	1995

санъат, илм-фан соҳалари								
- молия-кредит соҳаси	52,8	54,2	55	58	61	113,3	169	210
- бошқа соҳалар	1093,6	1047,6	1179	1111	1084	1132,8	1245,2	1283,6

Иккинчи вариант, бу - мобилизацион вариант бўлиб, бунда истиқбол кўрсаткичлар саноат ривожланиши, қишлоқ хўжалигида хусусий сектор ривожланиши ва унинг улуши ошиши натижасида ортиқча ишчи кучларини бошқа соҳаларга ўтказилиши, шунингдек, аграр секторга сервис хизмати кўрсатиш соҳасининг тез суръатларда ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинди. Тадқиқотлар жараёнида истиқбол кўрсаткичларни башорат қилишда мобилизацион вариант етакчи бўлиб, инерцион вариант эса, бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнлари ўзгариш даражаларини солиштириш ва баҳолаш учун ҳисоб-китоб қилинди.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, келажакда иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши мамлакат иқтисодиётининг реал сектори ҳисобига таъминланади. Келгуси 5 йил давомида мобилизацион вариантга асосан, реал сектор корхоналарида, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаси, савдо, соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, ҳамда алоқа ва транспорт соҳаларида бандлар сони 1046,8 минг кишига ортади, бу жами бандлик даражаси кўрсаткичи ўсишининг 55,3 фоизини ташкил қиласиди.

Келажакда давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш чоратадбирларини ишлаб чиқиши ва самарали амалга ошириш, мамлакатимиз қишлоқ жойларида меҳнат бозорини тартибга солиш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва моддий фаровонлигини оширади.

4. Назарий дарс ўтиш методикаси

4.1. Назарий таълим беришнинг асослари

Назарий машғулот - бу жамоавий фикр юритиш демакдир. У ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида муттасил ижодий алоқа ўрнатиш учун ҳам катта имкониятларга эга

Психология ва педагогика инсон уни шахс сифатида шакллантирувчи муайян билимларни ўзлаширишга бўлган қобилият нишоналари билангина дунёга келади, деб таъкидлайди. Мазкур қобилият нишоналари таълим бериш жараёнининг сифатига боғлиқ ҳолда турлича амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам педагогика ва методик маҳоратни эгаллаш ўқитувчининг вазифасигина эмас, балки унинг фуқаролик бурчи ҳамdir.

Мутахассислик фанларини ўқитишида назарий машғулотларни қуидаги кетма-кетлиқда ўтказиш тавсия этилади:

1. Қизиқтириш (мотивация)
2. Маълумот бериш
3. Билим бериш
4. Ўрганилган билимларни қайта ишлаш бўйича топшириклар бериш
5. Таҳлил ва синтезлар
6. Баҳолаш

Қизиқтириш (мотивация). Дарс талабалар билан қизиқарли, ҳаттоқи, дарсга таълуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги сухбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан сухбатни бошлаш керак. Масалан, қизиқарли кашфиёт, ихтиро, янгилик ёки ҳикоя танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида талабаларнинг кайфиятига, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда талабалар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар дарс биринчи бор янги талаба гурухida ўтилаётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, талабаларга ҳам ўзларини таништириш

имкониятини бериш керак. Бу талабаларда ишонч туғдиради, талабалар ўзларига билдирилаётган ҳурматни ҳис қиласылар. Таърифланган ва танланган ўқитиши фанларини ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Ички ва ташқи мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўқиши ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шартшароит яратилади.

Касб-хунар таълимида ўқув режаси ва дастури ўқув жараёнини аниқ ташкил этишнинг асоси бўлиб, у дидактик тамойилларга тўла-тўкис мос келадиган бўлиши лозим. Ҳар бир ўқитувчи таълим режаси ва дастурини бажаришни, ўқув материалларининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган таълим топшириқларини, билим, кўникма ва малакаларини юқори даражада бўлиши учун жавобгардир.

Ўқув дастурлари- аниқ фан бўйича ўқитишининг мазмунини, айни фаннинг ҳажмини ва уни ўрганиш тартибини белгилайди. Ўқув дастурларини мазмуни қўйидагича: боб ва мавзулар бўйича билим, ўқув, малакалар ҳажми, фанни ўрганиш тартиби, ҳар бир фан учун белгиланган вақт, айни фан бўйича дарсликлар ва қўлланмалар.

Касб-хунар таълими ўқув режа асосида олиб борилади. Ўқув режаси давлат ҳужжатидир. Ўқув режаси таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланди. Режага киритилган фанлар таълимнинг илмийлиги, ғоявийлиги, миллийлиги ҳамда ўзининг келажагига муносиблиги, маънавий етук баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутади.

4.2. Интерактив методлардан фойдаланиш

Бугунги қунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юри-тилмоқда. Шу ўринда

“Интерактив” дарс методини “интерфаол” деб чала таржимасини айтиш мазмунан хато эканлигига эътиборин-гизни қаратмоқчимиз. “Интерактив” сўзи қўшма сўз бўлиб, агар таржима қилиш зарур бўлса, унда ҳар бир сўзни таржима қилиш керак.

“Интерактив” инглизча “Interactive” сўзидан олинган бўлиб, “ўзаро харакат ва таъсирланиш” деган маънони англатади.

Интерактив метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқот-да, ўзаро баҳс-мунозарада фикрланиш асносида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчи-талабани мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди. Ўзбекистон шароитида эса, янгиликларни ўрганиш, уни таълим жараёнига татбиқ этиш таълим тизимини ислоҳ қилиш маса-лалари билан боғлиқ равишда тайёр ахборотларни беришга асосланган анъанавий ўқитиши туридан, ўқувчи-талабаларнинг изланишга, маълумотларни ўзлари излаб топишга ўргатадиган таълим тизи-мига ўтиш йўлидаги харакатлар билан асосланади. Шунга кўра янги билимларга эҳтиёж, янгилик инновация, инновацион жараёнлар

Ўқитишининг интерактив усулларини танлашда таълим мақса-ди, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитув-чининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.

4.3. Назарий машғулотда таълим технологияси модели ва технологик харитаси

Мавзу: Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари

Таълим бериш технологияси модели (назарий)

Вақт: 2 соат	Талабалар сони 25 та
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Назарий
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> Мамлакатни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг аҳамияти ва зарурияти Меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби Меҳнат унумдорлиги ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири Меҳнат унумдорлигини яхшилаш ва юксалтириш йўллари
Ўқув машғулотининг мақсади:	Шакллантириш, билим ва қўнималарни чукурлаштириш
Педагогик вазифалар: Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари билан таништириш; Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари тўғрисида тушунча бериш; Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари бўйича маълумотларни тушунириш; Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари тўғрисидаги билимларини шакллантириш.	<p>Ўқув фаолияти натижалари: Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари бўйича ўзлаштирган билимларини баён қиладилар;</p> <p>Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари тўғрисида тушунча берадилар;</p> <p>Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари бўйича тушунчаларини айтиб берадилар;</p> <p>Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари бўйича билимларини шакллантирадилар.</p>
Таълим усуллари	Назарий, муаммоли, кўргазмали ва бошқалар
Таълим шакли	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш
Таълим воситалари	Маъруза матни, техника воситалари ва жиҳозлар
Таълим бериши шароити	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гурухли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
Мониторинг ва баҳолаши	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқалар. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқалар.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси (жадвал)

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
I-босқич. Кириш (10 дақ.)	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот режаси билан таниширади.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таниширади</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.</p>
II-босқич. Асосий (60 дақ.)	<p>2.1. Тезкор-сўров, савол-жавоб, ақлий ҳужум, кластер орқали билимларни фаоллаштиради.</p> <p>2.2. Маъруза, семинар, амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қиласди.</p>	<p>Жавоб берадилар Ёзадилар</p> <p>Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиласдилар ва бошқалар</p>
III- босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>3.1. Мавзу бўйича якун қиласди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қиласди.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш меъзонларини етказади.</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

4.3. Назарий дарс ўтиш методикаси

Мавзу: Дәхқончиликда мәхнат унумдорлигини ошириш йўллари

Дарснинг тури: Назарий машғулот

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

Дарсни ўтиш жойи: Махсус жиҳозланган ўкув хонаси

Ўқитиши услуби: Кластер, Кўрсатмали –тушунтириш

Дарснинг жиҳозланиши: Мавзуга тегишли чизмалар, модули, ўқитишнинг техник воситалари – проекторлар, қоронфилатиш мосламалари, слайдлар, тарқатма материал, ишчи ва назорат варақалари

Дарснинг мақсади

Асосий мақсад: Дәхқончиликда мәхнат унумдорлигини ошириш йўллари ҳақида зарурий маълумотларни ўқувчиларга кўргазмали тушунтириш, таянч ибораларни ўқувчиларга ёздириш ва мавзуни пухта ўргатиш

Тарбиявий мақсади: Дәхқончиликда мәхнат унумдорлигини оширишнинг зарурий аҳамиятини тушунтириш; таълим ва тарбиянинг ўзаро алоқада бўлишини аҳлоқий тарбия кўникмаларини ўқувчиларга ўргатиш

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларни мавзу юзасидан ўзлаштирган билимларини шакллантириш, танланган касбларига қизиқиш уйғотиши

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм

1. Ўқувчилар билан саломлашиш

2. Ўқувчилар давоматини аниқлаш

3. Аудитория ва ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини текшириш

Ўқитувчи дарсга киргандан сўнг аввалом бор, ўқувчилар билан саломлашади, ўқувчиларни дарсга иштирок этишларини аниқлайди ва аудиторияни дарс ўтишга тайёргарлигини кўздан кечиради. Дарсни бошлашдан аввал ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини текширади.

II. Ўтилган олдинги дарсни ўқувчилардан сўраш

1. Олдинги дарсда ўтилган мавзусини сўраш. Сўраш қуидаги уч уллар орқали амалга оширилиши мумкин:

а) тайёрлаб келинган маҳсус саволларни тарқатиб;

б) тест саволлари орқали;

в) оғзаки саволар орқали.

2. Ўқувчилар билимини баҳолаш.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш.

Олдинги ўтилган мавзуни сўраш муҳим аҳамиятга эга. Мавзуни сўрашда ўтилган мавзу қисқа ва аниқ ҳамда равшан, фкъларга асосланганлигига эътибор бериш лозим. Берилган саволларга жавоб берган ўқувчиларга баҳо қўйишда уларнинг айрим жиҳатларига эътибор бериш лозим. Масалан, савол-жавобнинг тўғрилилига, ўқувчи ўзини тута билишига, нутқига, ишлатадиган сўзларига, хатти-харакатига ва бошқа жиҳатларига ва ҳакозо. Уларни баҳолашда иложи борича юқори балл қўйиш керак. Бу ўқувчини шу фанга нисбатан қизиқишини, ҳурматини оширади ва кўпроқ ўрганишга интилишига олиб келади.

III. Олдинги ўтилган мавзуни янги мавзу билан боғлаш

Янги мавзуни ўтишдан олдин ўқитувчи олдинги ўтилган мавзуни такрорлаб, уни янги мавзу билан боғлашга ҳаракат қилиши лозим.

Шундагина ўқувчилар янги мавзуни тушуниб олишлари осон кечади.

IV. Янги мавзуни баён этиш

Янги мавзуни баён этишдан олдин у доскага ёзиб қўйилади. мавзуни ўтиш режалари ҳам иложи бўлса, дарснинг охиригача сақланмоғи лозим. Доскада ёзилган ёзувлар иложи бўлса, ранг-баранг ва рангли, чиройли терилган шаклда бўлиши лозим.

Режа:

1. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигига меҳнат унумдорлигининг аҳамияти ва зарурияти
2. Меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби
3. Меҳнат унумдорлиги ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири
4. Меҳнат унумдорлигини яхшилаш ва юксалтириш йўллари

V. Таълимнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланиш

5.1. мақсад:

Замонавий таълим воситалари билан танишиш. Техник воситалар билан ишлашда психологик тўсиқларни олиб ташлаш. Мантиқий фикрлашни ривожлантириш. Замонавий ўқув воситаларини қўллашда қизиқиш ва маъсулиятни ошириш.

5.2. Натижা:

1. Қандай замонавий ўқитиш воситаларни борлигини билади.
2. Техник воситаларни дарс жараёнига қўллашда бошланғич қўнималар ҳосил бўлади.

3. Ўқув дастурларни тушунади, компьютерда слайдларни тузга олади.

5.3. талаб этиладиган вақт: 15 минут

5.4. Зарур бўладиган материаллар:

а) техник воситалар: компьютер, кодоскоп, видеоккилиқ, видеокўз, видеопроектор, электрон доска, микрофон, диск.

б) ўқув ва кўргазмали материаллар: слайдлар.

5.5. Фойдаланиш тавсилоти:

1. Ўқувчи дарсни тушунишини ҳамда ҳар бир ўқувчининг онгидаги бир хил тушунча ҳосил бўлишини таъминлайди.
2. Ўқувчиларда қизиқиш ортади, уларнинг ҳаёлатини уйғотиш йўли билан мотивациялайди.
3. Вақт тежалишини таъминлайди, чунки бунда батафсил ва сўзма-сўз оғзаки тушунтиришлар талаб этилмайди.
4. Реал моделларни ишлатишда ва диограммаларни ишлаб чиқишида ўқувчилар қатнашиши имкониятини беради.
5. Ўтилган мавзунинг мазмуни турли йўллар билан қисқача умумлаштирилиши орқали ўрганиш жараёни самарадорлигини оширади.
6. Берилган материаллар ўқувчилар хотирасида узоқ сақланади.

VI. Янги мавзуни мустаҳкамлаш

Янги мавзу тушунтирилгандан сўнг, ўқувчилардан тушунмай қолган жойлари ва саволлар берилиши сўралади. Берилган саволларга аниқ, қисқа, тўла равишда жавоб қайтарилади. Бунинг учун камида 3...5 минут вақт ажратилади.

Агар ўқувчилар томонидан саволлар берилмаса ўқитувчи янги мавзуни ўқувчилар тушунгандикларини текшириб кўради.

VII. Уйга вазифа бериш

Уй вазифаларини танлагандаги, уларни ўқувчиларга топшириқ қилиб беришда, бу вазифалар ўқувчиларнинг қизиқишиларига мос келиши, уларни бажаришда қийинчиликларга учрамасликлари керак. Кўпинча ўқувчиларга ўқитувчи тушунтирган материални мустаҳкамлашга оид вазифалар берилади.

VIII. Дарсга якун ясаш

Дарснинг охорида ўрганилган материаллар бўйича умуний хулосалар қилинади. Дарсга якун ясалади. Келгуси машғулотга доир тарқатма материаллар тарқатилади. Келгуси машғулотнинг мавзуси ўқувчиларга етказилади.

5. Амалий машғулотлар ўтказиш методикаси

5.1. Амалий машғулотларни ташкил этиш

Амалий машғулот – бу таълим берувчини таълим олувчилик билан фаол сұхбатта киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулотни ўқитиши шаклидир.

Амалий машғулот дарсларини икки турга ажратиш мүмкин. Булар маъруза дарси мавжуд бўлган ва маъруза дарси мавжуд бўлмаган фанлардан (масалан, чет тиллар) ўтказиладиган амалий машғулотлар. Амалий машғулот дарслари фан дастурлари ва ишчи дастурлари ҳамда календар тематик режаларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотларни ўтказиш бўйича зарур адабиётлар рўйхати берилади. Маъруза дарси мавжуд бўлган амалий машғулотларда асосан маъруза дарсларида ўтилган материаллар машқлар бажариш ёрдамида мустаҳкамланади.

Амалий машғулот қуидаги мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

- назарий материални тартибга солиш.
- кўнималарни ҳосил қилиш.
- билимларни назорат қилиш.

Таълим берувчи амалий машғулотни самарали ўтказиш учун қуидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- ўзининг тайёргарлиги, бунда савол ва жавоб техникасига эга бўлиши;
- ўқув гурухининг ҳолати: унинг мотивацияси, унинг ташкил этиш хусусияти;
- ўқув жараёнининг техник жиҳозланиши.

Амалий машғулот дарсларида янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланиш учун имкониятлар катта бўлади. Ўқитувчи дарсга кириб, ташкилий ишларни ўтказади. Хонанинг дарсга тайёргарлиги, доскага ёзиш ва ўчириш воситаларининг мавжудлиги ҳамда талабалар давомати

аниқланади. Дарсда ўтиладиган мавзу эълон қилиниб, доскага ёзиб қўйилади. Ўтган мавзунинг асосий мазмуни қисқача баён қилиниб, янги мавзу режаси берилади. Маъруза дарслари мавжуд бўлган фанлардан амалий машғулот дарслари албатта маъруза ўтилгандан кейин ўтказилади. Маърузада ўтилган материалларнинг асосий хulosалари тушунтирилади, маъруза билан амалий машғулот боғланади. Амалий машғулотлар фаннинг, ҳаттоқи мавзуларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, турли хил усуулларда ўтказилиши мумкин.

Амалий машғулот дарсларида савол жавоблар, дискуссиялар ташкил қилинади, фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилиб балл қўйилади. Амалий машғулот дарсларининг қатъий дастур бўйича сифатли ўтилишини, талабалар билимининг ўз вақтида баҳоланишини фандан маъруза олиб борувчи ўқитувчи мунтазам назорат қилиб бориши шарт. Шунингдек амалиёт ўқитувчиси билан дастур бажарилиши, амалиёт дарсларида нималарга алоҳида эътибор қаратилиши, маърузада мавзуларни қайси қисмлари кам ёки кўпроқ ёритилганини ва бошқа ўқув-услубий масалаларда маслаҳатлашиб, фикрлашиб туриши лозим.

Маъруза дарслари режалаштирилмаган, фақат амалий дарс ўтказиладиган фанлардан амалий машғулотлар ўтказишда назарий билимлар билан амалий машқлар бажариш биргаликда олиб борилади. Дастрлаб мавзу бўйича назарий билимлар берилади, ўқитувчи мисол ва машқлар бажариб кўрсатади. Шундан сўнг талабалар мустақил машқлар бажаради. Ўқитувчи талабалар билимини баҳолаб боради. Амалий дарсни ўқитувчи хulosалаб якунлайди.

§ 5.2. Амалий машғулотларда таълим бериш технологиясини лойиҳалаш

Амалий машғулотларни ўтказишнинг асосий йўли таълим олувчилар томонидан тайёрланган маъруза ва маълумотларни жамоавий мухокама қилишни ташкиллаштиришдан иборат бўлади.

Амалий машғулотлар самарадорлиги таълим олувчиларни амалий машғулотга тайёрланиш сифати билан аниқланади. Маъруза ва янгиликлар билан чиқувчи, таълим олувчиларнинг тайёргарлиги аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир машғулот учун технологик хариталар ишлаб чиқилади. Технологик харитани лойиҳалаш педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, чунки машғулот давомида бажариладиган амалий иш жараёни технологик харитада кетма-кетлик қоидаси асосида тасвирланади.

Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, ҳатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уddyalай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни белгилайди. Ҳар бир фаннинг ўқув мақсадлари тўғри белгиланиши мухим аҳамиятга эга. Умумий ўқув мақсадларининг мазмуни йўналтирувчи мақсадлардан келиб чиқиб белгиланади. Ўқитувчи томонидан амалий машғулотларни ўтказиш технологияси, дарс ишланмаси ва технологик харитаси ишлаб чиқилади. Ҳар бир машғулот бўйича дарс ишланмалари ва технологик хариталарни ишлаб чиқиш ўқув жараёнини тўлақонли лойиҳалаштириш ҳамда самарали ташкил қилиш имконини беради.

5.3. Амалий машғулотда таълим технологияси модели

Мавзу: Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари

Таълим бериш технологияси модели (амалий)

Вакт: 2 соат	Талабалар сони 25 та
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Амалий машғулот
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> Мамлакатни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг аҳамияти ва зарурияти Меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби Меҳнат унумдорлиги ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири Меҳнат унумдорлигини яхшилаш ва юксалтириш йўллари
Ўқув машғулотининг мақсади:	Шакллантириш, билим ва қўнималарни чукурлаштириш
Педагогик вазифалар: Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари билан таништириш; Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари тўғрисида тушунча бериш; Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари бўйича маълумотларни тушунтириш; Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари тўғрисидаги билимларни шакллантириш.	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <p>Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари бўйича ўзлаштирган билимларини баён қиладилар;</p> <p>Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари тўғрисида тушунча берадилар;</p> <p>Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари бўйича тушунчаларини айтиб берадилар;</p> <p>Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари бўйича билимларини шакллантирадилар.</p>
Таълим усуллари	Муаммоли, кўргазмали ва бошқалар
Таълим шакли	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш
Таълим воситалари	Маъруза матни, техника воситалари ва жиҳозлар
Таълим бериши шароити	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гурухли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқалар. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқалар.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси (жадвал)

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
	<i>Таълим берувчи</i>	
I-босқич. Кириш (10 дақ.)	<p>1.4. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот режаси билан таниширади.</p> <p>1.5. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>1.6. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таниширади</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.</p>
II-босқич. Асосий (60 дақ.)	<p>2.1. Тезкор-сўров, савол-жавоб, ақлий ҳужум, кластер орқали билимларни фаоллаштиради.</p> <p>2.2. Амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қиласди.</p>	<p>Жавоб берадилар Ёзадилар</p> <p>Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиласдилар ва бошқалар</p>
III- босқич. Яқуний (10 дақ.)	<p>3.1. Мавзу бўйича якун қиласди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қиласди.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш меъзонларини етказади.</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

5.4. Интерактив методлар асосида амалий машғулот үтиш методикаси

Маєзу: Дехқончилиқда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари

Машғулот тури: Амалий машғулот

Ўқитиши методикаси: «Бахс-мунозара» методи

Машғулот учун ажратилган вақт: 2 соат

Машғулотни ўтказиш жойи: Махсус жихозланган иқтисодий фанлар
ўтиладиган аудитория

Машғулотни методик таъминоти: Дехқончилиқда меҳнат унумдорлигини

Ошириш йўллари бўйича маълумотлар,
кўргазмали қуроллар, компьютер, слайд,
видеопроектор, тарқатмали материаллар, ишчи ва
назорат ва рақалари, ўкув-услубий мажмуа,
дарслик, ўкув қўлланмалар, услугубий кўрсатма ва
қўлланмалар.

Машғулотнинг мақсади

Асосий мақсад: Дехқончилиқда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари
бўйича олган билимларини мустаҳкамлаш,
мустақил фикрлаш, қарор қабул қила олиш
кўникум ва малакаларини шакллантириш.

Тарбиявий мақсади: Ўқувчиларда мустақил фикрлаш, амалий машғулотга
фаол иштирок этиш, онгли муносабатда бўлиш
ва мавзуни тарбиявий аҳамиятини тушунтириш,
касбига қизиқиш уйғотиш.

Муаммоли ўқитиши усулларини моҳияти: Бу метод ёрдамида ўқувчиларга
муайян муаммо бўйича ахборотлар етказилади,
мунозара учун танлашган мавзуни ўқувчилар
муҳокама қиласидилар ва провард натижада
муаммога тегишли маълумотларни атрофлича
ўрганадилар.

Методик тавсиялар

Ўқув гурухларида уюштириладиган мунозараларнинг эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспут турлари мавжуд бўлиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гурухларининг мулоқот тажрибасига боғлиқдир («диспут» сўзининг луғавий маъноси-«фикрлаёпман», «тортишаяпман» деган маънони билдиради). Мунозарадаги асосий нарса – гурух аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар бирининг ўз фикр мулоҳазаларининг охиригача баён этиш имкониятини борлигидир.

Бахслашувчи томонлар гурухларида фикрларни жамловчилар – «генераторлар», «танқидчилар» ва фикрларни тезлатувчилар – «катализаторлар» тайинланадилар.

Генераторлар – ўртага ташланган муаммо ёки баҳс мавзуси бўйича фикрларни жамлайдилар ва умумлаштириб баён этадилар. Танқидчилар эшигтан фикрларига танқидий муносабат билдириш, яъни танқидий нуқтаи назардан улар ичидағи «мағизни» ва «пучак» фикрларни саралайдилар. Катализаторлар кўпинча иккала гурух учун ҳолис арбиторлар – ҳакамлар раисини ҳам ўйнайдилар.

I. Ташкилий қисм

1. Ўқувчилар билан саломлашиш.
2. Ўқувчилар дарсга қатнашиш давоматини аниқлаш.
3. Ўқув аудиторияси ва ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини текшириш.

Ўқитувчи дарсга киргандан сўнг, аввалом бор ўқувчилар билан саломлашади, уларни дарсдаги иштирокини аниқлайди ва ўқув уадиториясини дарс ўтишга тайёргарлигини кўздан кечиради. Дарсни бошлашдан аввал ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини текширади, кайфият ва психологияларини ўргатади ва дарсга нисбатан ўқувчиларга қизиқиш ўйғотади.

II. Машғулотнинг бориши

I-босқич. Тайёрлов. Ўқитувчи бунда қуйидаги вазифаларни амалга оширади.

1. Ўқувчиларни машғулотни номи ва мақсади билан таништиради.

2. Машғулотни мақсадини белгилайди, мақсадни аниқ ифода этади.
3. Натижа ва баҳолаш мезонини шакллантиради.
4. Ўқувчиларга вазифаларни тушунтириб, белгилаб беради.
5. Гуруҳни икки камандага бўлади.
6. Ҳар бир гуруҳга «генераторлар», «танқидчилар» ва «катализаторлар» вазифаларини тайинлайди.

7. Бахс-мунозара қилинадиган муаммо ёки мавзуни танлайди.
8. Ўқувчиларга мавзуга оид қисқача билимлар беради.
9. Машғулот учун зарурий асос яратади.

II-босқич: Амалга ошириш. Ўқувчилар бунда қўйидаги вазифаларни бажаради.

1. Муаммони аниқ тушуниб оладилар, моҳиятини тўлиқ тасаввур қиласдилар.
2. Муаммони мақсадга мувофиқлигини асослайдилар.
3. Муаммо бўйича бахс-мунозара юритадилар.
4. «Генератор» ўз вазифаларини бажарадилар яъни, гуруҳдаги ўқувчиларни фикрларини жамлаб, умумлаштирадилар.
5. «Танқидчилар» билдирилган фикрларга қарши мулоҳазалар билдирадилар.
6. Ўзаро бахс-мунозара жараёни амалга оширилади.
7. Фикр ва мулоҳазалар ёзиб олинади.
8. Ўқитувчи ўқувчилар фикрини эшитади ва қайд этиб боради.

III-босқич: Таҳлил ва умумлаштириш. Бу босқичда ўқитувчи қўйидаги вазифаларни бажаради.

1. Ҳар иккала томон ўртacha ташланган фикрларнинг қанчалик тўғрилигини муҳокама қиласди.
2. Айтилган фикрларни таҳлил қилиб, ягона муаммо ечимини аниқлайди ва айтади.

IV-босқич: Якун ясаш ва натижаларни баҳолаш. Мазкур босқичда қўйидагилар амалга оширилади.

1. Ўқувчилар фаолиятига якун ясалади.
2. Ўқитувчи томонидан таклиф қилинган баҳолаш мезонларидан келиб чикқан ҳолда ўқувчилар баҳоланади.
3. Ўқитувчи мунозарада фаол иштирок этган ўқувчиларни айтиб ўтади.
4. Йўл қўйилган камчиликлар уларнинг сабаблари, оқибатларини айтади ва уларни олидини олиш усулларини тушунтириб беради.
5. Ўқитувчи хулосаси, язона тўғри ечим айтилади.
6. Келгуси машғулотнинг мавзуси ва мазмуни билан ўқувчилар таништирилади.

III. Уйга вазифа бериш

1. Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.
2. Назарий машғулотларда олинган билимларни такрорлаш.
3. Келгуси амалий машғулотга пухта тайёрланиб келиш.

IV. Дарсга якун ясаш

Дарснинг охирида ўрганилган материаллар бўйича умумий хулосалар қилинади. Дарсга якун ясалади. Келгуси машғулотга доир тарқатмали материаллар тарқатилади. Ўқувчиларга тинглик ва омадлар тилаб, келгуси машғулотгача хайрлашилади.

Хулоса ва таклифлар

Битиув малакавий ишда «Дехқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари мавзусини интерактив методлар асосида ўқитиш методикаси яратилди. Битиув малакавий ишида Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Руслан” фермер хўжалигининг 2010-2012 йиллардаги маълумотлари таҳлил қилинди. Маълумотларнинг асосий кўрсаткичлари меҳнат унумдорлигини аниқловчи кўрсаткичлардир.

Қарши тумани “Руслан” фермер хўжалигида Ўзбекистон Республикасининг кейинги йилларда чиқарилган қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонунлари бажарилиб келинмоқда.

Хўжаликнинг ихтисослашуви асосан пахтачилик ва дончилик бўлиб, шу билан бир қаторда, боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа соҳалари хам ривожланмоқда.

Фермер хўжалигининг маълумотлари таҳлил қилиниши натижасида бир қанча иқтисодий кўрсаткичларнинг паст даражада эканлиги маълум бўлди. Фермер хўжалигида пахта ва дон етиширишнинг самародорлигини ошириш, иқтисодий фойда олишга эришиш учун барча чора тадбирладан фойдаланиш зарур. Битиув малакавий иш мавзуси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, касб-ҳунар таълими жараёнида дарс машғулотларини ноанъанавий, яъни интерактив методлар асосида ташкил этишга, улардан унумли фойдаланиш орқали берилаётган материалнинг тез тушуниб идрок қилиниши билан бир қаторда, таълим жараёни сифат ва самарадорлигини оширишдаги долзарб масалани ечишга қаратилди.

1. Дарс машғулотларида қўлланиладиган интактив методлар дарс жараёнида берилаётган ўқув материалини ўқувчиларнинг пухта узлаштиришига ёрдам беради, уларнинг фикрлаш фаолиятини ўстиради, ҳар нарсани билишга иштиёқ уйғотади.

2. Таълимнинг техник воситалари асосида ташкил этилган дарс машғулотларига интерактив методлар қўлланилса дарс янада самарали ва

тушунарли бўлиб, дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигини сезиларли даражада оширади.

3. Таълим жараёнида фаол укитиш методлари укув материалини эгаллаш жараёнида укувчиларни фикрлаш ва билиш фаолиятига ундейди.

4. Педагогик технологиянинг фаол укитиш методидан куйидагича фойдаланилади: ўқитувчи укув материалини кайта тушунтиришда, укувчилар фаол билиш ва амалий ишлар жараёнида мустакил билим хамда куникмаларни эгаллашларида.

5. Педагогик технологиянинг фаол ўқитиш метоларидан дарснинг хар хил боскичларида: билимларни дастлабки урганишда, мустахкамлаш ва такомиллаштиришда, куникма, малакаларни шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

6. Дарс машғулотларида фаол ўқитиш методлари мунтазам қўлланилса укувчилар томонидан ўтилаётган материал пухта ўзлаштирилишига, узоқ вақт хотирасида сақланишига, идрок қилиш вақтини қисқартиришга замин яратилади.

7. Педагогик технологиялар билан уйғунликда ахборот технологиялари қўлланилса дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланилади, талабалар диққатини ўқув материалига жалб қилиш осонлашади ва талабаларда фанга нисбатан ижобий муносабатларини таркиб топтирилади.

8. Педагогик технологияни қўллашнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, комил шахсни шакллантириш учун пойдевор бўлган педагогик жараённи такомиллаштириш, инсонпарварлаштириш, ўқувчининг мустақиллигини таъминлаш билан бирга, уларнинг кейинги фаолиятларида педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш малакалари шакллантирилади.

9. Коллеж таълим жараёнида қўлланиладиган педагогик технологиялар ўқитишнинг техник воситалари асосида олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу укувчиларнинг замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланиш кўнижаларини шакллантириб, техник ижодкорлик тафаккурларини ўстиради.

Ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуаси бўйича меҳнат унумдорлигининг ортишига таъсир этувчи омиллар қўйидагилар:

- 1) Моддий техника характеристидаги омиллар (техника тараққиёти, табиат ресурсларининг характеристи ишлаб чиқариш жарёнларини механизациялашган, электрлаштириш, автоматлаштириш ва бошқалар).
- 2) Шахсий омиллар (ходимларнинг ихтисоси, меҳнат жараёнида ходимлар қобилиятидан фойдаланиш даражаси ва бошқалар)
- 3) Ижтимоий меҳнатнинг қандай ташкил қилингандигини кўрсатувчи омиллар (ихтисослаштириш, кооперациялаш, ишлаб чиқаришни комбинациялаштириш, корхонада ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш, ходимларни моддий ва маънавий ихтисослаштиришни ташкил этиш ва бошқалар)
- 4) Табиий омиллар (об-ҳаво шароити, сув, иссиқлик ва бошқалар)

Карши тумани “Руслан” фермер хўжалигига меҳнат унумдорлдигини оширишда қўйидагитларни тавсия этамиз.

1. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун фермер хўжалигига ялпи маҳсулот миқдорни ошириш керак
2. Пахта ишлаб чиқариш учун фан-техника тараққиётидан фойдаланиш, яъни янгилик киритиш, уялаб экиш, янги техникадан унумли фойдаланиш, дехқонларнинг тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш.
3. Меҳнат унумдорликни ошириш учун фермер хўжалигига янги сеялка сотиб олишни маслаҳат бердик. Мавжуд сеякадан фойдаланиш натижасида 1 гектарга кетадиган чигит сарфи белгиланган лимитдан ортиқча сарфланишига олиб келмоқда. Уялаб экиш орқали 1 гектарга кетадиган уруғ сарфи 1,5 марта камаядаи. Бу эса уруғ сарфи харажатининг камайишига олиб келади.

Коллеж таълим жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги таклифларни бераман:

- коллеж ўқув аудиторияларини замонавий таълимнинг техник воситалари билан бугунги кун талаби даражасида жиҳозлаш ва бунда

кўргазмали қуроллар аудитория умумий мойдонининг 20% ошмаслигига эришиш лозим;

- Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш лозим;

- Дарс машулотларига педагогик технологиянинг фаол методларини қўллай оладиган, улардан педагоглик фаолиятида унумли фойдаланишга қодир кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида вилоят худудларида малака ошириш марказларининг ишини жонлантириш мақсадга молик;

- Ўқувчиларга амалий машғулоти топшириқларини мустақил бажаришлари лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов.И.А “Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” Т., 1996 й.
2. Каримов.И.А. “Баркамол авлод орзуси” Т. Шарқ 1999 йил.
3. Каримов.И.А. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т.Шарқ 1998 йил.
4. Каримов.И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг ўйллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Гоффоров Тошкент 2009 йил. 120-боб.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йил учун мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби” маъruzаси. Халқ сўзи, 2009 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Тошкент “Ўзбекистон”, 2012 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонун Халқ сўзи 15-октябр 2004 йил
8. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар.- Т.:Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. //Кишлоп хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами. 1-қисм. – Т.: Шарқ 1998.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”.// Ж. Солиқ тўловчи журнали. 1998. № 7 – 8. – 12 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июнь 1998 йил.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартағи “Кишлоп хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари

- түғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари.– Т.: Фан. 2003. – 76.
13. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. -Т., 2003 й
 14. Давлетшин М.Т, Туйчиева С.М. «Умумий психология» Т., 2002 й.
 15. Иванков А.Э., Иванкова М.А. Менежмент – 2008 й.
 16. Костров А.В.Основы информационного менеджмента – 2006 г.
 17. Круглова Н.Е. Стратегический менеджмент – 2006 г.
 18. Коменский Я.А., Буюк дидактика, Т., «Ўқитувчи», 1975 й.
 19. Мавлонова Р, Тўраева О., Педагогика. Т: «Ўқитувчи», 2001 й.
 20. Турсунов И. Педагогика курси. Т: «Ўқитувчи», 1997 йил.
 21. Жалолов Ж.Ж. ва бошқалар Корхона ташқи иқтисодий фаолияти ва маркетинг Тошкент Билим – 2005 й.
 22. Туйчиев С.М. Умумий психология. Т:, 2002 й.
 23. Хўжаев Н, Ҳасанбоев Ж., Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма, Т-2002 йил
 24. Хайруллаев М. Педагогика тарихи. Т: «Шарқ», 2000 й.
 25. Зуннунов А. Педагогика тарихи. Т: «Шарқ», 2000 й.
 26. Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. Т.: Фан ва технология, 2010, - 148 б.
 27. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси ҳисоботлари.
 28. Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисоботлари.

Интернет маълумотлари

29. <http://www.xdlsoft.com>
30. <http://www.ppsy.ru/>
31. <http://www.iro/yar/ru.>
32. <http://www.bspu. secna.hu>
33. <http:// www.ziyonet.uz>
34. <http:// www.Mfnfgement.ru>
35. <http:// www.Ice, spb.ru. – Cankt - Peterbureskiy torgovo ehono>
36. <http:// www.micheskiy institut>
37. <http:// www.usaidmicro.org>
38. <http:// www.deliopax. Tele-kom.ru>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1. Фан ва мавзунинг тавсифи.....	7
1.1. Касб-хунар колледжларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанининг тутган ўрни ва фанлараро боғланиши.....	7
1.2. Танланган мавзунинг долзарблиги.....	10
1.3. Касб хунар колледжларининг мақсади ва вазифалари.....	10
2. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари.....	12
2.1. Дидактиканинг моҳияти ва асосий тамойиллари.....	12
2.2. Таълим бериш жараёни мазмуни.....	15
2.3. Ўқув жараёнининг ўқув-меъёрий ҳужжатлари.	
Дарснинг методик таъминоти.....	16
2.4. Дарснинг ташкилий шаклларини танлаш ва асослаш.	
Дарс унинг турлари ва тузилиши.....	18
2.5. Таълим методлари. Ўқитиш методларини танлаш ва асослаш.....	21
2.6. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.....	24
2.7. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш. Кўргазмали қуроллар....	25
2.8. Анъанавий ўқитиш методлари.....	27
2.9. Касб-хунар таълимида инновацион технологиялар.....	28
2.10. Программалаштирилган таълим.....	30
2.11. Баҳс-мунозара методи.....	31
Интернет янгиликлари.....	32
3. Ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуаси.....	37
3.1. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигида мехнат унумдорлигининг аҳамияти ва зарурлиги.....	37
3.2. Мехнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби.....	41
3.3. Мехнат унумдорлиги ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири.....	44
3.4. Мехнат унумдорлигини яхшилаш ва юксалтириш йўллари.....	48

3.5. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг меҳнат ресурсларидан фойдаланишга таъсири.....	53
3.6. Мамлакатни модернизациялаш шароитида қишлоқ жойларда меҳнат бозорини ривожлантириш йўллари.....	66
4. Назарий дарс ўтиш методикаси.....	72
4.1. Назарий таълим беришнинг асослари.....	72
4.2. Интерактив методлардан фойдаланиш.....	73
4.3. Назарий машғулотда таълим технологияси модели ва технологик харитаси.	75
4.4. Назарий дарс ўтиш методикаси.....	77
5. Амалий машғулотлар ўтказиш методикаси.....	81
5.1. Амалий машғулотларни ташкил этиш.....	81
5.2. Амалий машғулотларда таълим бериш технологиясини лойиҳалаш.....	83
5.3. Амалий машғулотда таълим технологияси модели.....	84
5.4. Интерактив методлар асосида амалий машғулот ўтиш методикаси.....	86
Хулоса ва таклифлар	90
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94